Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 216 (20. 783) • 1990 йил 21 сентябрь, жума • Баҳоси 3 тийин.

«ҲОСИЛ—90»



ПАХТАКОРГА—ҲАММА МАДАДКОР

«Совет Ўзбекистони» сайёр таҳририяти пахтакорлар ҳузурида

СИРДАРЁ

Бу йилни Деҳқон йили десак жонздир. Она табиат ундан сахийлигини дариғ тутмади. Тўккан пешона тернга яраша ҳирмон кўтаришига ҳамроз бўлди. Боғ-роғлари, экинзорларига қут-барака берди. Деҳқоннинг кўнгли тўқ. Ғалвир сувдан кўтариладиган пайтда юзи шувут бўлмади. Эл дастурхонини безашга арзигулик ноз-неъматлари сероб. Ушоқдек чигитни тупроқ орасидан ундириб, пайкалларни оқ либосга буркагунча чеккан заҳматлари ҳам бекор кетмади.

Эрта кўкламда бошланган меҳнат маромн ҳали поёнига етганича йўқ. Қалб қўри, пешона тери билан етиштирган бебаҳо хазинаснинг бир мисқолини ҳам қолдирмай йиғиштириб олмагунча заҳматкаш тинним билмайди. Пахта терилсин, режалар бажарилсин. Ана ўшанда у балки дўппини ёнига қўйиб, бир пиёла чойни хотиржам ичар. Балки ўшанда қишлоқдаги азалий удумга кўра, дошқозонда ош дамлаб, эл-юртни ҳосил байрамига чорлар. Лекин бу ишлар эртанинг гапи...

Бугун унинг бош қашишга фурсати йўқ. Куз ҳавосининг келинчаклардек нози бор. Осмонга чиққан парча булут кўз ёш қилиб, ишнинг белига тепиши мумкин. Шу боисдан ғаниматдамлардан унумли фойдаланиб, бутун кучни ҳосил йиғим-теримига сафарбар этиш лозим.

Днёримизда шундай долзарб дамларда пахтакорга далда бериш, унинг оғирини енгил қилишга интилиш анъанага айланиб қолган. Ана шу одатга кўра, рўзнома таҳририяти қишлоқ аҳлининг фидокорона ишларини изчил ёритиб бориш, уларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари билан яқиндан таништириш мақсадида «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» САЙЁР ТАҲРИРИЯТИ ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА» деган рукун очишни лозим топди.

Ушбу рукун остида вилоят, район ва хўжаликлардаги терим суръати тезкорлик билан ёритилади. Унда илғорлар тажрибасини оммалаштириш каби ижобий ҳолатлар билан бирга ишга тўсиқ бўлаётган камчиликлар, пахтакорларнинг ижтимоий, маданий-маиший ҳаётидаги муаммолар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар баён этилади.

Пахтакорга ҳамма мададкор. Жумладан, рўзнома ходимлари ҳам ҳузурингизга отланди, азиз қишлоқ меҳнаткашлари!

Шундай қилиб, «Совет Ўзбекистони» сайёр таҳририяти пахтакорлар ҳузурида».

Шу рукун остида 3-бетда берилган дастлабки материаллар Сирдарё вилояти пахтакорлари ҳаётидан ҳикоя қилади.

СИРДАРЁ. Биринчи суратда Гулистон районидаги Фрунзе номли колхозининг Муртозо Мамаюсупов бошлиқ бригада аъзоларини кўриб турибсиз. Коллектив жорий йилда 104 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаган. Деҳқонлар ана шу режанинг уддасидан чиқиш учун терим суръатини оширмоқдалар.

Иккинчи сурат эса Ховос районида тушириган. «Фарҳод» совхози 7-бўлими миришкорлари қатор йиллардан буён пахтадан юқори ҳосил олиш йўлида меҳнат қилишаётир. Мазкур бўлимга тажрибали, тадбиркор чўлқувар Барат Танаев раҳбарлик қилмоқда.

Суратларда: 1. Илғор теримчилар С. Оқмирзаева, бригада бошлиғи М. Мамаюсупов, Н. Бердиёрова ва Г. Маманова. 2. (Чапдан ўнгга) бўлим бошқарувчиси Б. Танаев ва бригада бошлиғи У. Бойқўзиев.

Б. ТУРАЕВ суратлари.

«Обуна—91»

АГАР МЕН МУҲАРРИР БЎЛСАМ...

• *Муштарийлар билан мулоқот*

Жонли, ошкора мулоқотларда гап асосан янги йилдан бошлаб рўзноманинг сифати ва мазмуни қандай бўлиши ҳақида борди. Муштарийлар газета саҳифаларида қайси мавзулар кўпроқ ёритилиб, қайси мавзуларга етарли эътибор берилмаётгани, умўман қандай муаммоларни кўтариб чиқиш лозимлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Муштарийлар рўзнома фаолиятига бефарқ эмас. Фикр билдирганларнинг аксарияти ўз сўзларини «Агар мен муҳаррир бўлсам...» дея бошлаб, қимматли фикр, истак ва таклифларини тўкиб солдилар. Қуйида уларнинг мулоҳазаларини эътиборингизга таҳрирсиз ҳавола этамиз.

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси ходимлари НАМАНГАНДА

НАМАНГАН АБРЛИ ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

● **Х. ПАРПИЕВ, ипакчилик цехи бошлиғи:** — Илгари 7—8 та нашрга обуна бўлган одам бу йил қайси рўзнома ва ойномага ёзилишни обдон ўйлаб кўради. Ҳар ким ўз мутахассислиги бўйича маслаҳат, йўл-йўриқ оладиганига ёзилади. Демоқчиманки, севимли «Совет Ўзбекистони» рўзномамиз саҳифаларида саноатчилар ўй-ташвишлари, муаммоларига кенгроқ ўрин беради, деб ўйлайман. Биз ана шу рўзномага обуна бўламиз.

● **М. ҒАФФОРОВ, А. АКБАРОВ, бирлашма кўп нусхали «Атлас» рўзномаси ходимлари:** — Бозор иқтисодиётига оид таҳлилга бой материалларни рўзномада кўпроқ ўқиш ниятидамиз. Рўзномада турли нуқтаи назарлар берилиб, баҳс-мунозаралар юритилса.

● **Р. АКБАРАЛИЕВ, корхона касаба уюшмаси раиси:** — Кейинги ойларда «Совет Ўзбекистони» анча ўқишли бўлиб қолди. Турли ахборотлар унинг ранг-баранглигини оширди. Лекин жумҳуриятимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кечикиб ёритиш ҳали ҳам барҳам топмаган.

● **Г. МУСАЛЛАМОВ, лаборатория бошлиғи:** — «Совет Ўзбекистони» дастлаб чиққан пайтларда радио, телевизор ва бошқа нашрлар бўлмаган. Ҳозир рўзнома воқеаларни баъзан радио ва телевиденидан кечикиб ёритяпти. Газета кўп материалларни сиғдираман, деб майда ҳарфлардан кўп фойдаланяпти. Бу — ўқишга қийин.

● **Г. АБДУҲОШИМОВА, ишчи:** — Бизнинг ота-боболаримиз фақат деҳқончилик билан шуғулланмаган. Заргарлик, мисгарлик каби ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари вилоятимизда кенг ривожланган. Биз тўқиётган атласни боболаримиз бундан юз йил олдин ҳам тўқишган. Шу боис рўзномада халқ ҳунармандчилигига оид мақола-хабарларга ҳам ўрин берилса.

● **М. КАРИМОВ, бирлашма бош директори:** — Бу рўзнома тарихи бевосита жумҳуриятимиз тарихи билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам уни отахон газета деймиз. Рўзнома халқ минбари бўлиб келган. Унинг саҳифаларида ишчиларга, муҳандисларга кўпроқ ўрин берилса. Халқ фикрига кенгроқ таяниб мулоҳаза юритилса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Корхонамиз ишчилари рўзномани севиб ўқишади. Шуни ҳисобга олган ҳолда корхона маъмурияти, партия, касаба уюшмаси ва комсомол ташкилотлари билан келишган ҳолда бирлашма ҳисобидан 2000 сўмни обуна учун ажратдик. Шу маблағ ҳисобига пенсионер коммунистлар, кўп фарзандли оилалар ҳамда ишлаб чиқариш илғорларини «Совет Ўзбекистони» рўзномасига имтиёзли обуна қиламиз.

ЎБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

● **Э. ЁНДОШ, бўлим котиби, шоир:** — Биз газета саҳифаларида жумҳурият, Иттифоққа танилган ёзувчи ҳамда шоирларнинг янги асарларини шу газетадан ўқишга ўрганганмиз. Бу анъана давом эттирилса. Биз, шунингдек, истеъдодли ёшлар ижоди билан ҳам таништириб борилишини истаймиз.

● **А. ЖАЛИЛОВ, публицист, шоир:** —Рўзномадан кўп нарса ўрганамиз. Жумҳуриятимиз ҳукуматининг Фармонларини ҳам дастлаб шу газетадан ўқиймиз. Бироқ кейинги пайтларда ўткир танқидий материаллар, айниқса, фельетон камайиб кетди. Фуқароларнинг хатларига кўпроқ ўрин берилиши, партия комитетлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш лозим. Менимча, ҳар бир вилоятга бир ойда бир марта саҳифа бағишлаш зарур. Шундай қилинса, ижодкорлар, кенг омма рўзнома фаолиятида фаол иштирок этиб, ўша жойдаги муаммоларни кўтариб чиқарди.

УЙЧИ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ

● **О. ШЕРМАТОВ, М. МИРАҲМАДЖОНОВ, колхоз аъзолари:** — Биз бу йил ҳам шу газетага обуна бўламиз. Бироқ газета бизнинг дардимизни — пахта нархи оширилишини айтмоқчиман— тегишли идорага маълум қилса. Негаки, техника, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғит нархи ошди-ю, пахта нархи ҳамон тўла ҳал бўлгани йўқ.

● **М. ЖАЪФАРОВА, колхозчи:** — Газетада қишлоқ аёллари ҳақида материаллар мунтазам берилса. Уларнинг ўй-ташвишлари, меҳнат шароитларини акс эттирувчи муаммоли мақолалар, одобахлоқ борасида ибратли материаллар ўқишга муштоқмиз.

● **Г. МИРЗАРАҲИМОВ, колхоз партия комитети котиби:** — Бу рўзнома ҳамиша биз, партия ходимларининг маслакдоши бўлиб келган. Шуни ишонч билан айта оламанки, рўзнома нархи ошишига қарамай, колхозимизда обуна ўтган йилдагидан кўп бўлса бўладики, камаймайди. Биз колхоз бошқаруви, партия комитети, касаба уюшмаси қарорига биноан коммунист пенсионерлар, кўп болали оилалар, терим илғорларини имтиёзли обуна қилиш учун 1000 сўм ажратдик.

(Давоми иккинчи бетда).

СЕВИБ ЎҚИЙМИЗ

Ҳурматли рўзнома жамоаси!

Автоколоннамиз Самарқанддаги пешқадам ва намунали корхоналардан саналади. Бу ерда кейинги икки-уч йил ичида жуда кўп ижобий ўзгаришлар қилинди. Шоферларнинг ойлик иш ҳақи 170 сўмдан 210 сўмга, созловчиларники эса 120 сўмдан 190 сўмга кўтарилди. Олинаётган соф фойда ҳам ошиб боряпти.

Даромадга қараб буромад деган гап бор. Маблағ бўлгач, социал соҳага алоҳида эътибор бериляпти. Ҳозир автоколонна ўз стадионига, дам олиш зонасига ва саунали ҳаммомига эга. Биргина ўтган йили капитал қурилишга 220 минг сўм, хўжалик ҳисоби билан амалга оширилган бинокорлик ишларига эса 100 минг сўм сарфладик.

Жамоа азалдан газетхон. Бу ерда таниқли ёзувчилар, журналистлар ва санъаткорлар билан учрашувлар бўлиб туради. «Совет Ўзбекистони» рўзномаси ҳам ишчиларимизнинг доимий ҳамроҳи. Улар ҳозир газетага иштиёқ билан обуна бўлишаётир. Аммо вақтли матбуот нашрлари нархининг ошиши муносабати билан биз ишчиларга енгиллик яратишга қарор қилдик. Жамоамиздаги кекса шоферлар, пешқадамлар, фаол коммунистлардан **30 кишини «Совет Ўзбекистони» рўзномасига бепул обуна қиламиз.** Жамоа касаба уюшмаси, партия комитети бошлаган бу ҳаракатни кўпчилик қўллаб-қувватламоқда. Рўзнома ижодий ходимларига муваффақиятлар тилаймиз. Улар бизни янада қизиқарли, долзарб мақолалар билан хушнуд этишади, деган умиддамиз.

Ж. МИРЗАЕВ,
Самарқанддаги 2522-автоколонна бошлиғи.

• *Президент Фармони қандай бажариляпти?*

ЭГАЛЛАНГАНИ—МАРРА ЭМАС

Агар Ўзбекистон ССР Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш ҳақидаги Фармонида кўзда тутилган тадбирлар 1990—1992 йиллар мобайнида адо этилган тақдирда ҳам қишлоқ аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжи 1993 йилга бориб 61 фоизгина қондирилади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон қишлоқларида киши бошига ҳар кеча-кундузда 42 литр сув тўғри келади. Айрим районларда, айниқса Шуманай, Амударё, Чимбой ва Беруний районларида эса бу кўрсаткич 5—16 литрни ташкил этмоқда. Бу — санитария нормаларида кўзда тутилганидан анча оз. Сифатсиз ичимлик сув истеъмоли туфайли, деб таъкидланади Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларида, мухтор жумҳуриятда турли касалликлар кўпайди.

Ўзбекистон Президенти Фармонини адо этиш юзасидан катта ишлар мўлжалланган. Бизнинг ихтисослаштирилган бирлашмамиз 1990 йилда 809 километр узунликда сув тарқатиш тармоқлари қуриши лозим. Кейинги йилларда иш ҳажми яна ҳам кенгаяди. Яъни 1991 йилда 1914, 1992 йили эса 2282 километр водопровод тармоқлари фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, 1990 йилнинг ўзида сув тиндиргич қурилмалардан 112 тасини ускуналаш ишларини зиммага олганмиз.

Ишларимизнинг ҳозирги аҳволи қалай? 140 километрдан кўпроқ водопровод тармоқлари бунёд этилди. Сув тиндиргич қурилмалардан 50 таси ускуналанди. Лекин олдимизда катта вазифалар турибди. Айниқса, ўзимизга боғлиқ бўлмаган қатор масалалар борки, улар ҳал этилмаса ишда узилиш бўлиши, суръат пасайиши мумкин. Бу лойиҳа-смета ҳужжатлари, моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, қурилиш базаларини мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқ масалалардир.

Ушбу муҳим масалалар ниҳоятда секин ҳал этилаётгани тавиш туғдирмоқда. Масалан, Орол сув хўжалиги иншоотлари қурилиши ихтисослашган бирлашмаси бизга буюртмачи ҳисобланса-да, лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлашда сусткашлик қилянти. Тугалланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бизнинг ташкилотимизнинг бу йилги эҳтиёжидан ҳам кам.

Мавжуд водопровод тармоқларини таъмирлаш соҳасидаги ишлар ҳам яхшиланишга муҳтож. Водопровод тармоқлари ва сув иншоотларининг ишлаб турган қисми тўла инвентаризациядан ўтказилиши зарур. Бугунги кунда мухтор жумҳурият Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети балансидаги 900 километр водопровод тармоқларининг 30—40 фоизи йиллар давомида ишга яроқсиз бўлиб келмоқда. Уларнинг бир қисми ишдан чиққан. Ана шу тармоқларнинг 600 километрини ўз балансимизга олдик. Бироқ қурилиш базасининг кучсизлиги оқибатида уларни созлаб, ҳаракатга келтириш қийин кечяпти.

Яна шу ҳам ишга халал беряптики, Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети ремонт-созлаш ишлари учун сарф қилинадиган фондларни ҳали ҳам бизга бергани йўқ.

Бу аҳволда, эртакда айтилганидек, арава жойидан силжимайди. Ишни юргизиб юбориш учун аравани мўлжалдаги марра томон баравар тортиш керак.

Б. БЕКТУРДИЕВ,
КПСС XXVIII съезди делегати, Қорақалпоғистондаги Орол атрофи қишлоқларида водопровод тармоқлари қуриш бирлашмаси бошлиғи.

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ ВА СУВ

Йил бошидаги ҳисоб-китобга кўра бошқармамиз балансида 1796 километр узунликдаги газ тармоқлари бўлиб, 83771 оила хонадони табиий газ билан таъминланган эди. Шундан 854 километр газ қувурлари шаҳар ҳамда район марказларида бўлиб, қишлоқ жойлардаги газ тармоқлари 942 километрга тўғри келади.

Бундан шуни англаш мумкинки, шаҳарлар ва район марказларидаги жами уй-жой фондининг 77 фоизи табиий газдан баҳраманд бўлиб турган бир пайтда, қишлоқлардаги уй-жойларнинг фақат 21 фоизи табиий газдан фойдаланаётгани ачинарли ҳол, албатта. Чунки қишлоқ хонадонларини табиий газ билан таъминлашнинг ҳозирги даражаси шаҳар ва район марказларидагига нисбатан 3,5 баравар пастдир.

Яна бир таққослаш. Йил сайин бизда ўртача 80—90 километр газ тармоқлари бунёд этиш мўлжалланмоқда. Агар планлаштиришдаги аҳвол шу зайлда борадиган бўлса, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг барча аҳолисини газ билан таъминлаш иши 70—75 йилга чўзилади.

Бизнинг бошқармамиз кучи билан бу йил 107 километр тармоқлар ўтказиш ва 4500 хонадонни табиий газ билан таъминлаш кўзда тутилган. Олти ойлик натижалар қуйидагича: газлаштириш қувватларини ишга тушириш режаси бажарилди, 47 ўрнига 47,1 километр газ тармоқлари ишга туширилди, фондларни фойдаланишга топшириш топшириғи 145 фоиз бажарилди. Капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари плани ҳам адо этилди.

Бироқ йилнинг иккинчи ярмидаги ишларимизда тиғизлик ортиб бормоқда. Бу аввало 919, 159 ва 76 миллиметр диаметрга эга қувурлар етишмаётгани билан боғлиқ. Ўзбекистон газ тармоқлари қурилиши трестининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси пудратчи сифатидаги бурчини астойдил бажармаётгани оқибатида йиллик топшириқнинг бажарилиши хавф остида қоляпти. Газ тақсимлаш жойларидаги босим паст, газ плиталари билан таъмин этишдаги эҳтиёжимиз ҳам қондирилмаётир.

Бу масалаларни жумҳурият Давлат моддий-техника таъминоти комитети ва Ўзбекистон жумҳурият газ бошқармаси ёрдамида ҳал этиш чораларини кўряпмиз. Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан Қорақалпоғистонда қўшимча тарзда яна 90 километр узунликда газ тармоқлари барпо этилиши ҳам лозим.

Шу ҳисобдан 50 километр узунликдаги қувурга наряд берилди. Бошқармамиз вакиллари қувур берувчи заводларга юборилди. Улар қувурларнинг вақтида етказиб берилиши муддатларини келишиб оладилар. Қолган 40 километр узунликдаги қувурлар эса жумҳуриятнинг бозор фондидан ажратилиши кўзда тутилган бўлса-да, Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги билан «Ўзбекбирлашув» бу масалани узил-кесил ҳал этгани йўқ. Моддий ресурслар билан таъминлаш масаласи тезда ҳал этилади деб ишонамиз ва жумҳурият ҳукумати кўрсатмаси адо этилиши учун бутун кучларни сафарбар этамиз.

Лекин эришилган ютуқлар биз учун марра бўлиб қолмайди. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони бажарилиши чораларини кўрамиз. Кейинги беш йилликда қишлоқ хонадонларини газлаштириш суръатларини 3—4 баравар ошириш талаб қилинмоқда. Маҳаллий шароитларни ҳисобга олганда қатор муҳим масалаларни ҳал этиш лозим.

Жумладан, объектлар лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида, сифатли таъминланиши керак. Турдош лойиҳа институтлари билан алоқаларни яхшилаш учун банкда «Ўзгазлойиҳа» институтининг Нукус бўлими ҳисоби очилиши зарур. Бўлим институтнинг мустақил балансига ўтиб, филиал мақомини олсагина ишлар жадаллашиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Пудратчи ташкилотларимиз таянч базаси ҳам мустаҳкамланиб, махсус машинаускуналар ажратилиши зарур. Шунингдек, магистрал газ қувурлари, ёнилғи тақсимлаш станциялари тармоқларини барпо этишда ҳам туб бурилишга эришиш талаб қилинмоқда. «Юртрансгаз» бирлашмасида иш кўламлари шунга яраша кенгайтириб борилиши керак.

Бу йил Қўнғирот — Мўйноқ магистрал газ тармоғи фойдаланишга топширилиши керак. Бироқ қурилиш-монтаж ишлари суръатида қолоқликка йўл қўйилаётгани сир эмас. Сазакино — Тўрткўл — Беруний тармоғи қурилишига ҳам киришилди. У ишга тушиши билан Қорақалпоғистон жанубидаги уч район — Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний районлари аҳолиси ҳам табиий газ билан таъмин этилади. Шунингдек, Бўзатов районида газ тармоқлари барпо этиш масаласи 1991 йил планига киритилиши лозим.

Ж. АЛЛАМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти газ бошқармаси бошлиғи.

БАРАВАР ТОРТИЛМАЁТГАН АРАВА

Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлашнинг ҳозирги аҳволи мавжуд экология вазияти каби тубдан яхшиланишга муҳтож. Қишлоқларимизда ичимлик сувга бўлган эҳтиёж 1990 йилнинг бошидаги шароитларга кўра 14 фоиз қондирилаётган экан, бу мутлақо номувофиқ бир вазият ҳисобланади.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

19 сентябрь куни Тошкентда давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш бўйича жумҳурият комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси ҳамда мазкур комиссия раиси Ш. Р. Мирсаидов олиб борди.

Комиссия мажлисида жумҳурият ҳукумати ҳузурида тузилган атамашунослик қўмитасининг раиси Ғ. Абдурахмонов қўмита фаолияти тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда атамашунослик қўмитаси олиб бораётган муайян ижобий ишлар таъкидланди. Фаннинг турли соҳалари бўйича 12 бўлим ва 7 секция ташкил этилган. Бўлим ва секцияларнинг раҳбарлари ҳамда аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари, нашриётлар, газета ва журналларнинг редакциялари билан алоқа ўрнатган. 1991—1995 йилларда атама луғатларини чоп этиш режалари тузиб чиқилди, баъзи маъмурий-бошқарув идораларининг атамалари ўзбек тилига таржима қилиб берилди. Бундан ташқари, матбуот, радио ва телевиденида қўлланилаётган турли атамалар тўпланди ва уларнинг бир қисми муҳокамадан ўтказилди.

Бироқ сўзга чиққан олимлар, адиблар, журналистлар ва бошқа мутахассислар ўзбек тили атамаларини яратиш ва жорий этиш соҳасидаги ишлар ниҳоятда қониқарсиз ва сust бораётганини айтдилар. Матбуот, радио ва телевиденида бу соҳада бошбошдоқлик ҳукм сураётгани, ўзбек тили булғанаётгани, бунга сира йўл қўйиб бўлмаслиги хусусида асосли эътироздар билдирилди. Бу борада айниқса тилшунос олимлар ўртасида ҳамон ҳамжиҳатлиги, фикрлар муштараклигининг йўқлиги ишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мажлисда атамашунослик қўмитаси зиммасига ўз ишида кескин бурилиш ясаш, ўзбек тилини ривожлантириш учун астойдил жон куйдирадиган олимларни ва бошқа мутахассисларни ўз атрофига тўплаш, атамаларнинг муқобилларини тезроқ халққа, оммавий ахборот воситаларига етказиш, бу ишдаги камчиликларни иложи борича зудлик билан бартараф этиш вазифаси юкланди.

Комиссия мажлисида Самарқанд вилояти ижроия қўмитасининг давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга оширишга доир ишлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти негизида академиянинг мустақил тилшунослик институти ва адабиётшунослик институтини ташкил этишга доир ишлар хусусидаги ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

Диққат: муштарий таклиф этган рукун

● Келгуси йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна мавсуми давомида «Совет Ўзбекистони» ижодий ходимлари муштарийлар билан учрашувларни давом эттирмоқдалар.

Суҳбатлар чоғида газетхонлар рўзномани янада қизиқарли ва мазмунли чиқариш учун ўзларининг таклиф ва истакларини билдирмоқдалар, мавзулар айтмоқдалар, қандай рукунларга эътибор бериш зарурлигини таъкидламоқдалар. Жумладан, сурхондарёлик кекса матбуот ходими А. Мухтароллин шундай дейди: «Мен партия ходимлари ва коммунистлар ҳақида, уларнинг ахлоқи, диди, раҳбарлик маҳорати тўғрисида ёзилган мақолаларни ўқишни ҳоҳлайман. Шу ният билан рўзномага обуна бўлдим». Бундай фикрлар Қашқадарё, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятларда бўлган учрашувларда ҳам айтилди. «Совет Ўзбекистони» газетаси муштарийларнинг фикр-мулоҳазаларини, таклифларини инобатга олиб, янги рукунлар очмоқда. Шуларнинг бири «КОММУНИСТ ИБРАТИ» ҳақидадир.

ОДАМ МАҚСАД БИЛАН ЯШАЙДИ

Коммунист ибрати

Халқимизда яхши бир гап бор: иш юришса, ҳаёт ҳам юришаверади. Муҳими шундаки, ҳар бир киши ишда ўзини кўрсатса бу иш учун ҳам, ўша одам учун ҳам фойдали. Кўп ҳолларда режаларнинг амалга ошиши ҳам шунга боғлиқ.

Ҳеч ким Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхозга Қурбон Ҳақбердев раҳбар бўлиб қайтиб келадию, колхоз кўп ўтмай яна миллионер хўжаликка айланади, деб ўйламаганди. Чунки, Ғузорга райкомнинг биринчи котиби бўлиб кетгунича жамоа хўжалигининг республикада донғи таралганди. Раҳбар алмашгач, хўжалик кўп ўтмай вилоятдаги энг қолоқ колхозлардан бири бўлиб қолганди.

...Уни район партия комитетининг биринчи котиблиги лавозимидан олишди. Айби обком бюросида биринчи котибнинг гапини қайтаргани бўлди. Аслида ундай ҳам эмасди. У ўтирган лавозим курсиси кимларгадир керак бўлиб қолганди.

— Биз билмаймиз, гўшт ва сутни тўғрилаб берасиз, бўлмаса тўрт томонингиз очиқ...

— Ахир квартал плани бажарилдику?!

— Буёғичи?

— Ошириб ёзиш қўлимдан келмайди.

— Унда жойни бўшатасиз ўртоқ Ҳақбердиев!

— Шундай экан нега икки йил бурун менинг иссиқ жойимни совутдингизлар...

Қурбон Ҳақбердиевнинг бюро мажлисида охирги айтган гапи шу бўлди. Залдан чиқаркан у икки йил давомида Ғузор районидаги колхоз ва совхозларда амалга оширган ободончилик ишлари, тузиб қўйган навбатдаги режалари кўз олдида гавдаланди. Район маркази ва Карл Маркс номли, «Партия XXII съезди» жамоа хўжаликларида янги сўлим боғ-роғлар яратилди. Йўллар асфальтланди. Бошқа режаларнинг ҳам ҳисобкитоби йўқ эди.

...Август ойи охирига келиб Қурбон Ҳақбердиевни обкомга чақиришди. Қишлоқ хўжалиги бўйича котиб уни кутиб олар экан, ўтиришга таклиф қилди.

— Хўш, Қурбон Ҳақбердиевич, дам олганингиз етар, Шаҳрисабздаги Фрунзе номли колхоз раислигига борасизми?

— Раҳмат, ўйлаб кўришим керак.

— Сизнинг ҳозирги ҳолатингизни яхши биламан. Бекорга хафа бўляпсиз. Ўтган ишга саловат. Бизни ҳам тушининг, йўқ деманг...

— Энди яхши ишни бошлаганимда,..

Обком котиби гапни илиб кетди.

— Ҳар ҳолда сиз коммунистсиз. Колхоз ўтириб қолган, шуни кўтариб бермасангиз бўлмайди. «Каттанинг» мулоҳазаси бу. Тўғри, сизни райком ишга юбориши керак эди. Лекин бу ишни биз зиммамизга олаяпмиз.

Ҳақбердиев тортишишдан фойда йўқлигини сезди. Эртасига ишни қабул қилди. Одамлар билан гаплашди, экин майдонларини, чорва фермаларини, мактаб ва болалар боғчаларини бориб кўрди. Ҳақиқатан ҳам хўжаликда аҳвол оғир, қишлоқлар хароб, хўжалик иқтисодиёти ниҳоятда ночор эди.

— Кўп маҳсулот талаб қилишади-ю, шарт-шароитни ўйлашмайди, — бир куни сут товар фермасига ташриф буюрган янги раисга нолиб қолишди сут соғувчи қизлар.

Ҳақбердиев аҳволни ўнглашга ваъда берди. Кейин ана шу ваъдасининг уддасидан чиқиш учун кунни кун, тунни тун демай ишлашига тўғри келди. Колхозда раис бўлиб уч ярим йил ишлади. Ҳамма ишни одамлар билан бамаслаҳат, уларга суяниб қилди. Одамлар ҳам янги раиснинг ишга астойдил киришганини кўриб қўлдан келганча ёрдам беришди. Мана, натижа—бир йил ичида хўжаликнинг қадди тикланди. Ишлаб чиқаришдан миллион сўм соф фойда олинди. Қишлоқлар ободонлашди, колхозчиларнинг фаровонлиги ошди. Қолоқ колхоз оёққа туриши билан областдаги бошқа бир нуфузли ташкилотга Ҳақбердиевнинг хизмати зарур бўлиб қолди...

Уни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш ва сифат бўйича область давлат бош инспектори вазифасига тайинлашди. Бу ерда бир қанча вақт ишлагач яна обкомга таклиф қилишди. Чунки Шаҳрисабз районидаги «Коммунизм», «Ленинград», Фрунзе ва Энгельс номли колхозлардан обкомга тушаётган талабномалар кўпайиб кетган, Қурбон акани ўз жамоа хўжаликларига раисликка юборишни талаб қилишаётган эди. Ҳақбердиев Энгельс номли колхозга раис бўлишга розилик берди. Энг муҳими, одамлари, шароити ўзига таниш, хўжаликда Қурбон ака мураббийлигида вояга етган ажойиб деҳқонлар бор. Янги раис партком секретари, правление аъзолари ва фаоллар билан кенгашди.

— Колхознинг иқтисодиёти анча орқага кетибди, — деди у. — Келинглар, бир галашиб ўйлайлик, бундан кейин қандай яшамоқчимиз. Менимча ишни одамлар турмушини яхшилашдан бошлаганимиз маъқулроқ.

Илгари мажлисларда «жим ўтириб» қўл кўтарган ҳолда қарорларни маъқуллайверадиганлар ҳам энди бошқача фикр юритишарди. Улар ҳам дилларида тўпланиб қолган гапларни ўртага тўкиб солишди. Колхоз раҳбарлари шанита қаттиқ-қаттиқ гаплар ҳам бўлди. Улар раисдан белгиланган режаларнинг бажарилишини талаб қилдилар. Ҳақбердиев ҳам ўз амалий ишида фикри-хаёли, дунёқараши бугун бутунлай бошқача бўлиб қолган ана шу одамларга суянди. Ҳамиша шулар билан маслаҳатлашиб ишлайдиган бўлди.

Шундай қилиб, хўжаликнинг иши янги раис бошчилигида жадаллашиб кетди. Хўжалик юритишнинг янги усули — коллектив пудрат жорий этилди. Бир-икки йилда колхоз даромади ошиб, қаддини тиклади. Қисқа вақтда Энгельс номли колхозда 1720 ўринли мактаб, 200 ўринли болалар боғчаси, маиший хизмат уйи қуриб битказилди. Энди колхозчилар расмга тушиш, соч олдириш, кийим-кечак тиктириш учун шаҳарга қатнашмайди. Хўжалик маркази — Новқат қишлоғи кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Янгиобод, Ҳожимайдон, Лойқақон қишлоқлари водопроводлашди, 140 хонадонга табиий газ келтирилди. Кенгузар қишлоғи ёппасига газлашди. Янги ҳаёт, Саксонкаца, Бешкапа қишлоқларини ҳам газлаштириш лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

Кейинги икки йил ичида 30 та колхозчига коттеж типидаги янги уй-жой қуриб берилди. 941 киши ер участкаси билан таъминланди. Шахсий уй қураётганлар учун қулайликлар яратилди. Уларга 1 миллион сўмга яқин шартсиз ёрдам пули берилди. Эндиликда колхознинг ғишт заводи уй-жой қурувчиларни арзон нархдаги ғишт билан таъминламоқда. Хўжалик Россиядаги корхоналарга мева жўнатиб, ёғоч, тахта ва цемент олмоқда. Президент Фармони асосида колхозчиларнинг шахсий чорва моллари ем-хашак билан таъминланди. Келгусида консерва, сут-пишлоқ заводлари барпо этилади. Бу бекор юрган ёшларни иш билан таъминлаш имкониятини яратади.

Хўжалик иқтисодиётида пахтачилик асосий ўринни эгаллайди. Пахтадан ҳар йили юқори ҳосил етиштирилиб, план ва мажбуриятлар ошириб адо этилаётир. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган пахтакор, Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденлари нишондори Жўрақобил Туробов, Ленин орденли Тилов Худойбердиев, шунингдек, Ўроқ Бойқобилов, Ғайбулла Файзиев, Ўроқ Каримов бошлиқ бригадалар гектарига 35—40 центнердан «оқ олтин» етиштириб пахтакорлик касбини шарафламоқдалар.

Хўжалик чорва маҳсулотлари, мева, сабзавот ва полиз етиштиришда ҳам районда пешқадам. Ана шулар ҳисобидан ҳар йили колхозга миллион-миллион сўмлаб соф фойда келмоқда. Колхознинг йиллик умумий даромади 12 миллион сўмга етди.

Даромадга қараб буромад деганларидек, колхоз правлениеси қарори билан янги турмуш қураётган келинкўёвларга қайтариб олмаслик шарти билан 250 сўмдан ёрдам пули ажратилди. Қаҳрамон оналар, орден ва медалли пенсионер колхозчиларга ҳам ҳар ойда 30 сўмдан 50 сўмгача қўшимча моддий ёрдам пули берилаяпти. Бу тадбирлар одамларнинг хўжалик ишига меҳр-муҳаббатини оширмоқда, меҳнатга иштиёқ туғдирмоқда.

— Энг муҳими одамларнинг раҳбарларга ишончини тикламоқ керак, — дейди правление раиси Қурбон Ҳақбердиев. — Қачонки халқ билан бирга якдил қадам ташласаккина улар ортимиздан эргашади. Шунда хўжалик иши ҳам ривож топади. Масалан, бир вақтлар колхозга меҳнати сингган кишиларга моддий ёрдам кўрсатсак бунинг нимаси ёмон. Бор-йўғи ҳар йилги даромаддан 300 минг сўм сарфланар экан, холос.

— Биз Қурбон ака Ҳақбердиев каби коммунист раҳбарлар билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди вилоят партия комитети котиби Холмурод Раҳмонов. — Улар қайта қуриш талаби асосида хўжаликни оқилона бошқармоқдалар. Афсуски, бундай тажрибали кадрлар бармоқ билан санарли. Қурбон акага ўхшаганлар ўзларидан яхши из қолдирмоқдалар. Колхозчилар турмуш фаровонлигини ошириш йўлида жон куйдираётган бундай ишбилармон раҳбарлар сафи кенгаяверсин. Чунки улар ўз олдиларига мақсад қўйиб ишламоқдалар.

Мана энди айтиш мумкин: Ҳақбердиевнинг ҳам ўз мақсади бор. Ҳаётда ҳар бир киши ҳам аниқ мақсад билан яшаб, ҳалол ва виждонан меҳнат қилгани яхши. Эл-юрт фаровон, одамлар ҳам хурсанд бўлади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

P. S: Яқинда Қурбон Ҳақбердиев вилоят деҳқонлар уюшмаси раислигига сайланди.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ТЎРАҚЎРҒОН «ШИРИНЛИК» ҚУРУҚ МЕВА КОМБИНАТИ

● М. НУЪМОНОВ, комбинат партия комитети котиби: «Совет Ўзбекистони» рўзномасида халқаро ҳаёт кам ёритиляпти. Ахир, бу бизнинг энг катта, баобрў газетамиз. Жумҳуриятимиздаги билимдон, халқаро воқеаларни яхши биладиган кишиларни жалб этиб, шарҳлар бериб борилишини хоҳлардик.

● Г. МИРТОЖИЕВ, директор муовини: — Биз ёшлик пайтларимизда «Совет Ўзбекистони» рўзномасидан имло, орфографияни ўрганганмиз. Ҳатто рўзномадаги текстлардан диктант ёзардик. Ҳозир газетада байналмилал, чет сўзлар анча кўп қўлланиляпти. Бу — бизга қийинчиликлар туғдирмоқда. Газета тилимиз софлиги учун курашчи бўлиши керак.

● А. ҲАСАНОВ, комбинат комсомол комитети котиби: — Рўзнома ёшлар ҳаёти, муаммоларига кўпроқ эътибор берса. Чунки, ёши улуғларнинг ёшлар муаммолари ҳақидаги мулоҳазаларига муҳтожмиз.

● А. ДАВЛАТОВ, комбинат директори: — **Илгари рўзнома ва ойномалар ўз муштарийларига етиб боряпти-йўқми, бу билан жиддий шуғулланилмасди. Эндиликда газета нархи ошиши муносабати билан унинг сифати ва почта хизмати ҳам яхшиланади. Ўйлаймизки, энди газетанинг ҳар кунги сонини ўша куни ўқиш имконига эга бўламиз. Биз севимли «Совет Ўзбекистони» газетамизнинг 1991 йилги обунаси учун 1000 сўм ажратдик ва бу маблағни цехларга тақсимлаб бергамиз. Кимни бепул, кимни имтиёзли обуна қилишни ҳар бир цех меҳнат жамоасининг ўзи ҳал қиляпти.**

КОСОНСОЙ ШОЙИ ТЎҚИШ ФАБРИКАСИ

● В. МАЪРУПОВ, муҳандис: — Мен узоқ йиллардан буён «Совет Ўзбекистони» рўзномаси муҳлисиман. Эсимда, 1988 йилги газетада И. Ҳ. Жўрабековнинг «Янги Хитой» сарлавҳали мақоласи чоп этилганди. Унда Хитойнинг қандай қилиб равнақ топаётгани таҳлил қилиб берилган эди. Жумҳуриятимиз фаолиятини ҳам мана шундай таҳлил қилиб берувчи мақолалар ўқигимиз келади.

● В. ТУРҒУНОВ, ишчи: — Рўзнома миллий маданиятимиз, санъатимиз, умуман қадриятларимизни ёритишга эътибор бера бошлади. Лекин қадриятларимизни оёқ ости қилувчиларга бешафқат бўлишимиз керак. Масалан, қўшиқчилик санъатимизни ерга ураётган отарчиларнинг фаолиятига томошабин бўлиб туриш ярамайди.

● Ф. НУРИДДИНОВА, иқтисодчи: — Аёллар фаолияти, турмуш шароитлари ҳақида кўпроқ мақолалар бериб борилишини истардик.

● С. АБДУҲОМИДОВА, корхона касаба уюшмаси раиси: — Куни кеча касаба уюшмалари съездидан келдим. Унда жуда кўп муаммолар айтилди. Жумладан, бозор иқтисодиётига ўтишдаги босқичлар, муаммолар ҳақида тафсилотли мақолалар кўпроқ бериб борилса.

● О. БОЗОРОВ, бош инженер: — Менимча, 1991 йил иқтисодиётда жиддий синов йили бўлади. Корхонамиз жиддий қийинчиликларда ишлаши кутилмоқда. Хом ашё билан таъминлаш борасидаги шартномалар бажарилмаслиги ҳақида шерикларимиздан телеграммалар оляпмиз. Бозор иқтисодиётига доир янгиликлар, реклама ва ахборотлар кўпроқ ёритилса. Негаки, бир корхонадаги нокерак нарса бошқа корхонада ўта зарур бўлиши табиий ҳол.

● А. ЭШОНОВ, директор муовини: — Мен рўзнома бир томонлама бўлишидан қониқмайман. Унда турли қарорларни батафсил ўқиб борамиз-у, лекин улар бажариляптими-йўқми, бундан бехабар қоламиз. Муштарийларга эса қарорларнинг чиқишигина эмас, бажарилиши ҳам қизиқ. Кейинги пайтларда жумҳурият Президенти Фармонларининг бажарилиши берилиб яхши қилиняпти.

Маълумки, бизда дин давлатдан ажратилган. Бироқ ҳозирги шароитда улар билан ҳамкорлик қилиш тақозо этилмоқда. Дин арбоблари билан давлат раҳбарларининг мулоқотлари ҳам уюштирилиши, улар умумманфаатларига қаратилган бўлиши лозим. Рўзнома муҳарририяти ушбу масалани ўйлаб кўради, деб ишонаман.

Биз корхонамиз меҳнат жамоаси кенгаши қарорига мувофиқ, «Совет Ўзбекистони» рўзномасига 2000 сўм ажратдик. Бу маблағни 200 дан ортиқ киши имтиёзли обуна қилиш учун сарфлаймиз.

Наманган вилоятида рўзнома ва ойномаларга ёзилиш кенгайиб бормоқда. Матбуот тарқатувчилар пахта далаларида бўлиб, теримчиларга пул берилаётган дақиқаларда обуна ҳужжатларини расмийлаштиришга астойдил киришдилар. Корхона ва ташкилотларда эса маош тарқатиладиган куни рўзнома ҳамда ойномаларга ёзилиш тадбирлари кўрила бошланди. Бу — обуначиларнинг вақтини ҳам тежамоқда.

«Обуна-91»

АГАР МЕН МУҲАРРИР БЎЛСАМ...

СОВЕТ НЕМИСЛАРИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИДА

Давлат комиссияси навбатдаги мажлисда совет немисларининг съездига қандай тайёргарлик кўрилаётганини муҳокама қилди. Ташкилот комитети раисининг ўринбосари Г. Г. Вормсбехер шу масала юзасидан ахборот берди.

Ишчи гуруҳи съездга делегатлар сайлаш тартиби тўғрисидаги таклифларни, ташкилот комитетининг иш режаларини ва ташкилот комитетининг навбатдаги мажлисларида муҳокама қилиш мўлжалланган ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлади. Ташкилот комитетига ва оммавий ахборот воситаларига совет немислари съездининг вазифаларини ҳамда унга амалий тайёргарлик масалаларини кенг ёритиш тавсия этилди.

СССР Давлат матбуот комитети ва СССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг немис тилида китоб ва даврий нашрлар чиқаришни, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни кенгайтиришга доир таклифлари муҳокама қилинди. Нашр этилаётган ўқув адабиётлари ва бадиий адабиёт, газета ва журналлар, эшиттиришлар ҳажми кўпайган бўлса ҳам, уларнинг миқдори ва сифати совет немислари она тилида ўқитилиши, маданияти ривожлантирилиши учун ҳали етарли эмас. Марказий ва жумҳурият нашриётларининг, радио ва телевидениенинг ўзаро алоқалари яхшиланишига эришиш мақсадида тақдим этилган таклифларга аниқлик киритиш, маданият ва халқ таълимини ривожлантиришда иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилишини, ушбу масала юзасидан совет немислари съездининг ҳозир тайёрланаётган қарори лойиҳасидаги қоидаларни ҳисобга олиш зарур деб топилди.

СССР адлия министрининг ўринбосари М. П. Вишинскийнинг зўрлик билан кўчириб юборилган халқларга нисбатан қонун ва норматив ҳужжатларни бекор қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан СССР Олий Советига ва СССР Министрлар Кенгашига киритилган таклифлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. СССР Олий Советининг ушбу масала юзасидан 1989 йил 14 ноябрда қабул қилган декларациясига ва давлат комиссиясига берилган топшириқларга мувофиқ совет немисларининг ҳуқуқларини тиклаш учун СССР Олий Совети Президиуми, СССР Давлат мудофаа комитети ва СССР ҳукуматининг совет немисларини Волга бўйидан мамлакатнинг бошқа районларига кўчириш, немис аҳолини ишчи колонналарига сафарбар этиш ҳамда 1941—1955 йиллардаги даврга тааллуқли бўлган 27 та норматив ҳужжат ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш таклиф этилмоқда.

Давлат комиссиясининг мажлисини СССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари В. К. Гусев бошқарди.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

СССР Президентига мукофот

БМТ. 19 сентябрь. (ТАСС мухбири). СССР Президенти М. С. Горбачев Америкадаги «БМТни қўллаб-қувватловчи корчалонлар кенгаши» жамоат ташкилотининг медали билан мукофотланди.

БМТнинг келажак авлодларни уруш кулфатларидан халос этиш ишини амалга оширишга доир вазифасини бажаришга катта ҳисса қўшганлар ана шу мукофотга сазовор бўлади.

Нью-Йоркда бўлиб ўтган тантанали маросимда мукофотни СССР Президенти номидан СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. Ф. Петровский қабул қилиб олди. Нотиқлар бу мукофот М. С. Горбачевга мустаҳкам тинчлик ўрнатишга қўшган жуда катта ҳиссаси учун берилганлигини таъкидладилар. У олиб бораётган ошкоралик ва қайта қуриш сиёсати Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотнинг ривожланиши учун йўл очиб беради, алоҳида давлатларни биргаликда ҳаракат қилишга ва халқаро ҳамкорлик иқлимини вужудга келтиришга ундайди. СССР Президенти тутган йўл бутун жаҳон халқларига ўз таъсирини ўтказмоқда, деб таъкидлади Америкадаги ана шу нуфузли ташкилот.

ЯПОНИЯ:

ЎЗ ВИЖДОНИНГИЗГА БОҒЛИҚ

«Ўз ишингизни ўзингиз кузатиб боринг» — Япониядаги «Мурата сэйсакусио» электр техника компанияси раҳбарияти жорий этган инженерлар меҳнатини ташкил этишнинг ўта эпчил янги системасига мана шу қонда асос қилиб олинган. Бу қонда маъмурият ходимларининг кўпчилигини бўшатиб юборишни ва тадқиқотлар қандай бораётганини тадқиқотчиларнинг ўзлари назорат қилишларини кўзда тутади.

«Мутахассисларимизнинг иш вақтини назорат қилишнинг ҳожати йўқ, уларнинг ишга берилганлиги ва японларга хос виждонлилик кўнгилдагидек натижаларни беравераді», — деди фирма вакили ТАСС мухбири билан телефон орқали суҳбатда.—Тадқиқотчилар ўз иш кунларини ўзлари режалаштирадилар, икир-чикир ишларнинг мазмуни ва тартибини ўз дидларига ва табиатларига мувофиқ равишда белгилайдилар. Улар ишни қачон бошлаш, қанча давом эттириш ва соат нечада тугаллашни ўзлари ҳал қиладилар. Бундан ташқари уларга ойига уч кун ўз таъбларига қараб ишга умуман келмаслик ёки уйда ишлашга рухсат этилади. Иш умуман қанча давом этишидан қатъи назар, компания мутахассисларга маошини ва ишдан ташқари ортиқча ишлаганлиги учун 20—30 фоиз мукофот пулини тўлайверади.

Компания раҳбариятининг фикрича, меҳнатни ташкил этишнинг тўла ўзаро ишончга асосланган системаси одамларнинг қулфи дилини очади, уларни бошлиқлардан ҳадиксираш ва уларнинг кўзини шамғалат қилиб ишдан дам олишга интилиш одатидан ҳалос қилади.

Жаҳон шаҳарлари

ГАМБУРГ

Европадаги машҳур Эльба дарёси иккала қирғоғининг кенглиқларида ястанган Гамбург Германия Федератив Республикасининг йирик порт шаҳри ҳисобланади. Шу билан бирга у мамлакатнинг йирик темир йўл тармоқлари, ҳаво йўллари ҳамда автомобиль магистраллари билан боғланган марказдир.

Шаҳарда электротехника саноати, кемасозлик, умумий машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқлари ҳам ривожланган бўлиб, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўзининг миқёси ва сифати билан анча машҳур.

Гамбургда ҳозирги кунда 1,6 миллион киши истиқомат қилаётир. Шаҳар ўзининг тарихий обидалари, шунингдек, ишбилармон кишилари билан ҳам танилган. Айниқса, Эльба дарёсининг Альстер кўли билан туташадиган қисмида кўпдан-кўп савдо расталари бўлиб, бу ер ўзининг ғоятда гавжумлиги билан диққатни тортади. Шаҳарнинг бир қисми жойлашган дарё қирғоқлари ва оролчалар кўпдан-кўп кўприклар билан туташиб кетган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Гамбург ўз қиёфасини яна ҳам ўзгартириб юборди. Бу ерда кўп қаватли маъмурий бинолар қад кўтарди, қатор уй-жой комплекслари вужудга келди. Улар шаҳар чиройига чирой қўшди. Шаҳарнинг меъморчилик обидаларидан анчагинаси шу кунгача сақлаб қолинган. Булар орасида ратуша биноси, бешта ибодатхона ва бошқа иморатлар қадимий шаҳарнинг узоқ тарихини эслатиб туради.

Суратда шаҳарнинг марказий савдо кўчаларидан бири акс эттирилган.

ТАСС сурати.

Форс кўрфазидаги вазият

Сўнгги икки ҳафтада Қувайт ва унинг яқинида тўпланган Ироқ қўшинлари сони 360 минг кишига етди, деб хабар қилди АҚШ мудофаа министрлигининг вакили. Босиб олинган мамлакатга у ердаги 2200 та танкка қўшимча равишда яна 600 та танк келтирилди. Пентагон вакилининг гапларига қараганда, Ироқ мудофаанинг бир неча қаторли системасини барпо этди.

Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабарларига қараганда, Бағдодда нон, қанд, қуритилган сут, гуруч, парранда ва баъзи бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги сезилмоқда. Бу маҳсулотлар аҳолига патта билан сотиляпти. Озиқ-овқат маҳсулотларининг бошқа турлари нархи жуда кўтарилиб кетди.

Миср матбуоти Ироқ инқилоб қўмондонлиги кенгашининг аъзоси, собиқ ички ишлар министри ва Саддам Хусайннинг энг яқин маслакдошларидан бири Саадун Шакарнинг истеъфо берганлигини Қувайтга қарши агрессиядан кейин Ироқ раҳбариятидаги ошкора зиддиятларнинг биринчиси, деб баҳолади.

(ТАСС).

АМЕРИКАЛИК ОЛИМ ТАВСИЯЛАРИ

Америкалик таниқли иқтисодчи, Рейган маъмуриятти йилларида Президент ҳузуридаги иқтисодий кенгашга бошчилик қилган Мартин Фелдстайн СССРда совет иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши даврида пулнинг қадрсизланишига қарши кураш юзасидан ўз тавсияларини тақдим этди.

Совет Иттифоқи, деб ёзади у Америка савдо-саноат доираларининг «Бизнес уик» журналининг сўнгги сонидаги мақоласида, турли фикрларга қараганда, ҳозир муомалада 100 миллиарддан 500 миллиард сўмгача «ортиқча» пул бор. Бу эса нархларни назорат қилиб туриш бекор қилингач, пулнинг тўхтовсиз қадрсизланиши бошланади, демакдир, чунки истеъмолчилар даста-даста пулни ушлаб олиб, товарларни излашга тушадилар. Бу муаммони ҳал қилиш йўли — муомаладаги ортиқча пулларни йўқ қилишдир, деб ҳисоблайди Гарвард дорилфунунининг сиёсий иқтисод профессори. Бундай усуллардан бири эски пулни янгисига алмаштиришга қаратилган пул ислоҳотидир. Лекин бундай ислоҳот аҳолининг бозор иқтисодиётига ишончига путур етказиши мумкин, деб таъкидлайди профессор. Унинг фикрича, жамғарма банклари аҳолининг қўйган жамғармаларига тўлайдиган фойдани кескин кўпайтириши муаммони ҳал қилишнинг энг яхши йўли бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда СССР банкларида аҳоли қўйган жамғарма учун асосан икки фоиз фойда тўланади. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, пулнинг қадрсизланиш суръати эса 7,5 фоиз даражасидадир. Совет ҳукумати давлат заёмлари учун пул қадрсизланишининг реал суръатларига мос келадиган миқдорда фойда бериб, муомаладаги ортиқча пулни қисқартириши ва пулнинг қадрсизланишини назорат остида тутиши мумкин бўлур эди, чунки заём облигациялари истеъмолчилар қўлидаги пул учун товарлар билан баравар рақобат қилиши мумкин, деб ҳисоблайди М. Фелдстайн.

ХИТОЙ:

ИҚТИСОДИЁТ ҲОЛАТИ

Ҳозир Хитой иқтисодиёти тартибга солинмоқда, бу тартиб ижобий натижалар бермоқда. ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Ли Пэн Япония савдо-иқтисодий делегацияси билан учрашувда шуни айтди.

Пулнинг қадрсизланиш суръатлари секинлашганлиги туфайли Хитой ҳукумати шу йилнинг мартида молиявий соҳадаги жуда кучли марказлаштирилган назоратни юмшатишга муваффақ бўлди. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади Ли Пэн, гарчи суст-роқ бўлса ҳам, ҳар ҳолда саноат ишлаб чиқариши юксалиб бормоқда.

ХКП Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг саккизинчи беш йиллик режаси кўриб чиқилади. Унда халқ хўжалиги комплексини жадал ривожлантиришга оид бундан буёнги чора-тадбирлар кўзда тутилади. Ишлаб турган корхоналарни техника жиҳатидан қайта қуришга, иқтисодиётнинг базавий тармоқларига, ёрдамчи соҳаларга ва қишлоқ хўжалигига сармоя солишни кўпайтириш таклиф этилади.

СССР Министрлар Советида

УМУМИТТИФОҚ ФОНДИГА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Кенгаши умумиттифоқ фондига гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб беришни рағбатлантириш учун ғоят тақчил техника ва материалларни қўшимча равишда қидириб топди. Ана шу мақсадга икки мингта «Волга» енгил автомобили, юк автомобиллари, автобуслар, тракторлар, қувурлар ва металл ажратилди.

Мазкур ресурслар иттифоқдош жумҳуриятлар шу йилнинг сентябрь-декабрь ойларида давлат буюртмасига мувофиқ белгиланган умумиттифоқ истеъмолчиларига, шу жумладан Москва ва Ленинград шаҳарларига гўшт ва гўшт маҳсулотлари жўнатиш ойлик топшириқларини бажарганлари тақдирда уларнинг тасарруфига юборилади.

Моддий-техника ресурслари гўшт маҳсулотларини жўнатиш плани бажарилгани тасдиқлангандан сўнг 20 кун ичида ажратилади.

ВАЪДА ҚИЛДИНГ, СЎЗИНГ ЕРДА ҚОЛМАСИН

ПАХТАКОРЛАРГА ЗАРУР МАДАНИЙ-МАИШИЙ ШАРОИТ ЯРАТИЛСИН, УЛАРГА ЎЗ ВАҚТИДА ВА ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ТИББИЙ ҲАМДА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛСИН, ПАХТА ТЕРИМИДА ИШЛАЕТГАНЛАР ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШЛАРИ УЧУН УЛАРНИ МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ ЖИҲАТДАН РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛСИН.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг «Жиззах ва Сирдарё вилоятлари партия, совет ва хўжалик идораларининг пахта ҳосилини ўз вақтида ҳамда сифатли йиғиштириб олишга доир ташкилий-сиёсий тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

Ўзбекнинг тўйи ўз-ўзидан бўлмайди. Унга қарийб бир-икки йил олдин тараддуд кўрилади. Аввалига ака-укага, кейин қўни-қўшнига, борабора ёру-биродарга маслаҳат солинади. Унинг олди-бердиси, ўйин-кулгуси, қуда-ю-қўнғи минг бир тарозида ўлчаб кўрилади. Имкониятлар, кўмагу-далдалар чамаланади. Камукўстиннинг адоғи кўринмаса қолгандагина катта маслаҳат чақирилади. Аммо у шу аснода ўз тўйининг алдақачон бошланиб кетганлигини сезмай ҳам қолади...

Биз Ильич ноҳиясининг Алексеевский номли шўро хўжалигига борганимизда ана шундай катта маслаҳат—ноҳия механизаторлари кенгаши устидан чиқдик. (Сирдарё вилояти бўйлаб қилган сафаримиз 15—16 сентябрь кунлари эди). Улар эрта-индин бошланадиган катта тўй—пахта-йиғим терими олдидан ўз имкониятларига сўнгги бор баҳо бераётган эдилар.

Ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби кенгашни шундай олиб бордики, минбардан нафақат механизаторлар, шўро, комсомол ташкилотлари ходимлари, оқсоқоллар, меҳнат ветеранлари, пахта тозалаш корхоналари раҳбарлари, қўйингки, мавсум ишига дахлдор бўлган барча соҳа кишилари ўз имкониятлари, тайёргарлиги, нуқсонлар хусусида ошкора фикр юритиш учун имкон яратилди. Биринчи котиб сезган эди: пахта ишига дахлдор кишилар бугун қимтинсалар, мавжуд камчиликларни очиқ-ойдин айтишга истиҳола қилсалар ёки чўчисалар, эртага йиғим-терим иши барбод бўлади, хато-ю нуқсонлар ҳар қадамда чалиб йиқитаверади. Ўзини, ноҳия раҳбарларини танқид қилишларига чидаш мумкин, аммо йил бўйи минг машаққат билан етиштирилган ҳосилнинг тупроқда қолиб кетишига бардош бериш қийин.

Яхшиси, келинг, ўша кенгашдаги ўйрим фикр-мулоҳазаларни тинглайлик. Зеро, бу ердаги баҳс ва тортишувлар, нафақат ноҳия ва вилоят, балки бутун жумҳуриятимиз пахтакорларининг бугунги турмуш ташвишларига ҳамоҳанг, уйқаш, ва дахлдордир.

Эгамберди БОТИРОВ, «Правда» шўро хўжалиги бўлим бошлиғи:

— Тўғрисини айтганда, ҳосил тақдирини ҳал қилувчи бўлим бошлиғи ҳам, раис-у директори ҳам эмас, бу — механизатордир. У чигит қадашдан тортиб, хирмон яралгунга қадар далада. Эндиликда у ҳам бироз рўшнолик кўряпти. Ийғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайтда ел ўтиб ётган чўнтаги пул кўргандек бўляпти. Бу йил ҳам уларнинг режалари бисёр. Чунки далада ҳосил мўл. Фақат унинг техникаси панд бермаса бўлгани. Негаки, бизнинг ҳар йилгидек эҳтиёт қисмлардан мақтанадиган жойимиз йўқ. Қачонки терим чоғида машина бузилиб қолгандан кейингина хўжаликма-хўжалик, ноҳияма-ноҳия югуриш бошланади. Шошганда эса «лаббай» топилавермайди. Шунингдек, пахта тозалаш заводларининг инжиқликлари ҳам энди бошланади. Деҳқон пахтасини юқори сортларга топширолмай гаранг. Ана шулар ҳақида кеч, ғарчанд кеч бўлса ҳам, ўйлашимиз керак.

Фазлиддин ТУРСУНОВ, Волков номли шўро хўжалиги бош агрономи:

— Бизда ҳосилнинг 95 фоизини машиналарда териб олиш мўлжалланаётган экан, демак, биринчи галдаги эътибор техника созлигига қаратилиши керак. Бундан ташқари хирмонлар, ўқариқлар, қайтиш бурчаклари ҳозирданоқ тайёр бўлиши лозим. Умуман, машинани далага—далани машинага тахтлаш талаб қилинади. Тележкалар етишмаслиги ҳар йили ишнинг белига тепади. Бу танқислик қатор муаммоларни, ортиқча сарф-харажатларни туғдиради. Шунингдек, ҳозир банклар хўжаликлар учун қарз карточкалари очиши лозим. Ишчиларга маош топиб беролмаяпмиз. Хўжалигимиз меҳнаткашлари май ойининг пулини июлда олишди. Ҳатто шундай пайтлар бўладики, ишчилар олдингга келиб, сигарет учун пул сўрашади. Шу ҳам гап бўлдими, энди! Бу йиғим-терим суръатига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Иложи бўлса, теримчиларга кунига, механизаторларга эса ҳар беш кунда ҳақ тўлаб туриш керак.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИ ҚАРОРИДАН: Жиззах ва Сирдарё вилоятлари партия, совет ҳамда хўжалик идоралари, колхоз ва совхозларнинг талабаларни жалб этмаган ҳолда хўжаликларнинг меҳнаткашлари пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиши борасидаги ташкилий-сиёсий тадбирлари маъқулланди.

Вилоят, район партия комитетларига, деҳқончилик-саноат комплексларининг бошланғич партия ташкилотларига мазкур тадбирларни барча жамоаларда муҳокама қилиш, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари пахтакорларининг ташаббусини ёйишга доир тегишли сиёсий ишларни олиб бориш топширилди.

УМРИНГИЗДАН БАРАКА ТОПИНГ

Бугун пахтазорга «пўлат от» суриб, этак боғлаб тушган ҳар бир инсоннинг қалбида улуғ ниятлари бор: илойим, ҳаво илиқ келсин, ёғин-сочин бўлмасин. Планлар тўлсин, хирмонлар юксак бўлсин!

Ниятларинг меҳнатингга эш бўлсин, пахтакорим! Умрингдан барака топ. Эл-юртга ризқ-рўз, насиба улашаётган қўлларинг дард кўрмасин. Хирмонинг пахтага, ғазнанг пулга, кўксинг орден ва медалларга, кўнглинг некбин дуоларга тўлсин.

Бизнинг бу дил сўзларимиз барча пахтакорларга, жумладан сиз суратда кўриб турган Сирдарё вилояти Комсомол ноҳияси «Ленинград» шўро хўжалигининг тажрибали механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сотволди Матвалиевга ҳам, вилоятдаги Гулистон ноҳияси Фрунзе номли жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Гулнора Ғуломовага ҳам тегишли.

Б. ТЎРАЕВ олган суратлар.

Ҳар йилги анъана бузилди. Эндиликда нафақат вилоят, балки Тошкент олийгоҳларида таҳсил кўрувчи талабалар ҳам бу икки вилоят пахтазорларига чиқишмайдиган бўлишди. Тўғрироғи, маҳаллий ҳокимият уларнинг кўмагидан воз кечди.

Хўш, мазкур вилоятлар, жумладан, Сирдарё вилояти, фирқа, шўро ҳамда хўжалик идораларининг бундай тадбир ишлаб чиқишига нима ва ким мажбур этди? Масала охиригача ўйландими? Катта кўмакни инкор этувчи далил-исботлар борми?

— Асосларимиз етарли, — дейди вилоят агросаноат уюшмаси раисининг муовини Ғаффор Абдураҳимов. — Масалан, ўтган йили пахта тайёрлаш плани 102,3 фоизга адо этилди, 389,6 минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратилди. Шунинг 342,8 минг тоннаси, яъни 83,3 фоизи «занғори кема» бункерларидан тўкилди. Ҳар бир пахта териш машинаси ёрдамида ўртача 89,9, кўрак териш техникаси бўйича 5 тонна пахта йиғиштириб олинди. Қўл теримида эса 56,9 минг киши иштирок этди. Шуларнинг 17,0 минги тошкентлик, 5,3 минги маҳаллий ўқувчилар ва талабалар эди. Уларнинг кўмаги билан 13,0 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Умуман, улкан хирмонимизга тошкентлик кўмакчилар 3,3, маҳаллий ўқувчи ва талабалар 1,4 фоиз ҳисса қўшдилар.

Биз шу давр мобайнида бутун рақамларни торозига солиб кўрдик. Афсуски, торозининг шайини биз томон эгилмади. Ҳаммаси бекор экан. Ўтган йили қўл теримига 5530,4 минг сўм сарф қилинган. Бу кўрсаткич тошкентлик талабалар учун 3917,2, сирдарёлик кўмакчилар учун 1613,2 минг сўмни ташкил этди. Деҳқончасига таҳлил этганда, биз учун маҳаллий талабаларнинг терган ҳар килограмм пахтаси 29,4 тийинга, тоннаси 294 сўмга тушди. Тошкентдан келган кўмакчиларга кетган сарф-харажатлар янада кўпроқ. Улар етиштирилган ҳар килограмм пахта учун 30 тийин, бир тоннасига 300 сўм харажат қилинди.

Тўғри, кўмакчисиз йиғим-терим мавсуми оғир кечиши тайин. Аммо юқоридаги сарф-харажатлар ҳам бугунги кунда ижара, оила ва коллектив пудрати асосида ишлаётган пахтакорларимиз учун енгил кўчмайди. Энди ҳар бир тийин ҳисоб-китобда. Деҳқоннинг нонини «туя» қиладиган даврлар ўтиб кетди.

Шундай қилиб, сирдарёликларнинг пахта йиғим-терими мавсумини талабалар иштирокисиз ўтказиш ҳақидаги ташаббусини ҳамма эшитди. Айтилган сўз — отилган ўқ. Энди чекиниш ҳам, чекланиш ҳам йўқ. Вилоятдаги ҳозирги тадориклар ҳам шундан. Мавсумолди механизаторларнинг бири қўйиб, бири чиқиб гапиришлари, бир-бирларини мусобақага чақиришлари, ҳосилнинг асосий қисмини техника билан йиғиштириб олишга шошилаётганликлари ҳам шу туфайли.

Ильич ноҳиясидаги Волков номли шўро хўжалигида бўлганимизда ғаройиб воқеанинг устидан чиқдик. 7-бўлим бошқарувчиси Зокир Турсунов хўжалик ишчилар қўмитаси раиси Абдуолим Ёқубовга қўл силтаб нималарнидир тушунтирарди. Бориб суҳбатга, аниқроғи, тортишувга аралашгач, воқеа ойдинлашди. Маълум бўлишича, бўлим далаларига қўл кучи ташланган. Бошқарувчи эса бундан норози. Бўлим ўтган йили 242 гектар майдонни ижарага олган. Ижарачига эса, маълумки, кўрсатма ва буйруқ ёқмайди. Ортиқча сарфхаражат ҳамёнга зиён. Машина терими ижарачиларга арзонга тушади. Бошқарувчининг жаҳли чиққани ҳам ана шундан.

Икки кишининг ўзаро тортишувини кўриб қувонган одамни кўрганмисиз? Мабодо эшитмаган бўлсангиз, эшитинг: биз қувондик. Раҳбарнинг ўз қўл остидаги меҳнаткашлар манфаати, қолаверса, хўжалик манфаати учун жон куйдираётганлигидан, деҳқонга берилган эрк дилдан тилга, тилдан элга кўчганлигидан суюндик.

Имони бут деҳқоннинг ҳамиша дастурхони тўкин бўлгай. Жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида таъкидлаганидек, «...деҳқон хонадони ва хўжалиги обод бўлса, деҳқон бадавлат ҳаёт кечирса, шаҳарликнинг ҳам қорни тўқ бўлади. Дўконларда ва бозорларда озиқ-овқат мўл бўлади. Деҳқон хонадони хароб ва қашшоқ бўлса, бутун жамият оч қолади».

Оқолтин—вилоятда энг кўп пахта етиштирадиган ноҳиялардан бири. Ўтган йили оқолтинликлар давлат хирмонига 62,9 минг тонна пахта армуғон этдилар. Аммо режадаги ҳисобга 7,1 минг тонна пахта етмай қолди. Нега? Ноҳия ижроия қўмитаси раиси Марат Укубаев буни қуйидагича изоҳлайди:

— Ўтган йили ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди. Мен бунинг сабабини нафақат агротехник тадбирларнинг хомлигида, балки ташкилий-техникавий ишларнинг ўз вақтида қилинмаганлигида ҳам, деб ҳисоблайман. Дефолиация муддатини тўғри аниқламаслик, унинг миқдорини нормадан ошириб сепиш, терим машиналарини шошма-шошарлик билан далага тушириш, уларнинг тез-тез бузилиши, пахта ифлослиги ва ерга тўкилиш миқёси ортиқлиги каби сабаблар ишни барбод қилди. Йиғим-терим уюшқоқлик билан ташкил этилмаганлиги туфайли ҳосилнинг атиги 269 тоннаси биринчи сортга топширилди, холос. Ҳатто Абдалин, «СССР 60 йиллиги», У. Юсупов номли, Ворошилов номли хўжаликлар биринчи сортга бир тонна пахта ҳам топшира олмадилар.

Бундан 5-6 йил аввал Оқолтин пахта етиштириш, ҳосилни машиналар билан териб олишда жумҳуриятимизда энг машъал ноҳиялардан бири эди. Ўтган йили машина терими режаси мисиз? Мабодо эшитмаган бўлсангиз, эшитинг: биз қувондик. Раҳбарнинг ўз қўл остидаги меҳнаткашлар манфаати, қолаверса, хўжалик манфаати учун жон куйдираётганлигидан, деҳқонга берилган эрк дилдан тилга, тилдан элга кўчганлигидан суюндик.

Кўпкарини қизитинг, «пўлат от» суворийлари! В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Имони бут деҳқоннинг ҳамиша дастурхони тўкин бўлгай. Жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида таъкидлаганидек, «...деҳқон хонадони ва хўжалиги обод бўлса, деҳқон бадавлат ҳаёт кечирса, шаҳарликнинг ҳам қорни тўқ бўлади. Дўконларда ва бозорларда озиқ-овқат мўл бўлади. Деҳқон хонадони хароб ва қашшоқ бўлса, бутун жамият оч қолади».

Оқолтин—вилоятда энг кўп пахта етиштирадиган ноҳиялардан бири. Ўтган йили оқолтинликлар давлат хирмонига 62,9 минг тонна пахта армуғон этдилар. Аммо режадаги ҳисобга 7,1 минг тонна пахта етмай қолди. Нега? Ноҳия ижроия қўмитаси раиси Марат Укубаев буни қуйидагича изоҳлайди:

— Ўтган йили ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди. Мен бунинг сабабини нафақат агротехник тадбирларнинг хомлигида, балки ташкилий-техникавий ишларнинг ўз вақтида қилинмаганлигида ҳам, деб ҳисоблайман. Дефолиация муддатини тўғри аниқламаслик, унинг миқдорини нормадан ошириб сепиш, терим машиналарини шошма-шошарлик билан далага тушириш, уларнинг тез-тез бузилиши, пахта ифлослиги ва ерга бажарилгани билан механизмлар қувватидан тўлиқ фойдаланилмади. Қабул комиссиясининг маълумотига кўра, бултур шу вақтда мавжуд 667 та пахта териш машинасидан 600 таси тахт қилиб қўйилганди. Афсуски, терим бошланганда 52 тасининг носозлиги билиниб қолди. Шунинг 21 таси эса механизатор кадрлар етишмаслиги баҳонасида ремонт ҳам қилинмади.

Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади. Оқолтин ноҳияси механизаторлари кенгашида ҳам яширадиган нарса қолмади ҳисоб. Хўжалик раҳбарлари, механизаторлари, ноҳиядаги пахта ишига дахлдор бўлган барча идора ходимлари томонидан ҳаммаси тўкиб солинди. Механизаторларнинг шахсий режалари, мажбуриятлари, мусобақадошлари аниқлаб олинди.

Ноҳия статистика бўлимининг бошлиғи Абдулла Дўстназаровнинг ҳисобларига қараганда, қўл теримига бу йил 8300 киши чиқиши мўлжалланмоқда. Ҳар бир киши кунига ўртача 40 килограммдан пахта терса, бир кунда 332 тонна ҳосил йиғиштириб олинади. 64 минг тоннали улкан хирмон учун курашаётган оқолтинлик пахтакорлар учун бу ҳам катта мадад.

Кенгашда ноҳия ишлаб чиқариш корхонаси директори Холмирза Жабборов ҳам ҳисобот берди. Унинг таъкидлашича, бугунги кунда 657 та машина теримга шай. Хўжаликларга 16 мингта шпиндель етказиб берилган. Бундан ташқари тасма, чўтка ва бошқа эҳтиёт қисмлар ҳам етарли даражада. Ҳар бир машинага 41 гектар майдон тўғри келади. Далаларда мавсумий ремонт устаҳоналари ташкил қилинган. Ёш ҳайдовчиларни илғор механизаторлар ўз тасарруфига олишган.

Сардоба пахта тозалаш заводи директори Абдукабир Ғафуров билан қилган суҳбатимиз анча чўзилди. Чунки ҳозирги пайтда ҳосил тақдирининг энг оғриқ нуқталаридан бири пахта тозалаш заводларидир. Ўтган йили ҳам жумҳуриятимизда деҳқончилик ва саноат корхонаси ўртасида кўп тортишувлар бўлди. Директор ҳам буни тан олди. Шунингдек, у ўз фикрини деҳқонлар манфаати нуқтаи-наваридан туриб исботлашга уринди. Маълум бўлишича, заводни қайта таъмирлаш, янги техника ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича анча ишлар қилинган. Ҳозир завод маҳсулот қабул қилишга тайёр. Қолаверса, директор ташаббуси билан Усмон Юсупов ва «СССР 60 йиллиги» давлат хўжаликларидаги пахта тайёрлаш пунктлари совхозлар ихтиёрига ўтказилган. Эндиликда етиштирилган маҳсулотни хўжаликларнинг ўзи тайёрлайди, қайта ишлайди. Тола, чигит ва бошқа маҳсулотлар хўжалик ҳисобида қолади.

— Пахта сифати, сорти ҳақидаги жанжалларда жон бор, — дейди директор. — Менимча, бунда биз ярус бўйича териш муаммосини ҳал қилиб олишимиз керак. Маълумки, ғўзанинг юқори қисмидаги пахталар билан пастки қисмидаги ҳосилнинг очилиш, намлик ва хомлик даражалари ўртасида фарқ бор. Машиналаримиз эса бирдек териб кетади. Натижада сифат, тола узунлиги ва ингичкалиги мутаносиблиги бузилади.

Бугунги кунда вилоятнинг Меҳнатобод ва Боёвут ноҳияларида пахта териш машиналари ишга тушиб кетди. Пахта топшириш йиллик планини бажарган звено ва бригадалар сони кун сайин кўпаймоқда. Ўтган йили давлатга пахта сотиш планини жумҳуриятимиз бўйича иккинчи бўлиб бажарган Ворошилов ноҳияси пахтакор ва механизаторлари ҳам пайкаллардан дастлабки ҳосил тонналарини олиб чиқмоқдалар. Қўл терими учун 25 тийин, машинада терилганига 10—15 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Бу терим суръатининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Аммо вилоятнинг барча ноҳияларида йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилган, деб бўлмайди.

Биз Ильич районидаги Волков номли шўро хўжалигида пахтакорларга савдо хизмати кўрсатиш қандай бораётганлиги билан қизиқдик. Айтишларича, ноҳия матлубот жамияти бир қатор хўжаликлар билан бирга «волков»ликларга ҳам савдо хизмати кўрсатиши керак. Ноҳиядаги хўжаликларнинг ярми эса «Голодностепстрой»нинг 2-ишчилар таъминоти тасарруфида. Аммо мазкур хўжаликлар учун матлубот жамияти бор-йўғи битта автолавка ажратган.

Ҳозир деҳқоннинг даладан чиқишга вақти йўқ. Арзимаган гугурт ёки туз олиш учун ҳам у хўжалик ёки ноҳия марказига бориши лозим. Айни вақтда автодўкон хизмати жуда асқотади. Афсуски, бор-йўғи бир кўчма дўкон меҳнаткашларнинг эҳтиёжини қондиролмаслиги тайин. Матлубот жамияти раисининг бундай бепарволиги туфайли Алексеевский номли хўжаликдаги кенгашда механизаторлар учун берилиши лозим бўлган совғалар ҳам тайёр бўлмаганлиги боис тарқатилмади. Бундай совуққонлик ва бепарволик, ризқ-рўз яратувчиларимизга нисбатан нописандликни қандай баҳолаш мумкин? Буюк ҳинд ёзувчиси Р. Тагор: «Кимки яхшилик қиламан деб ҳаддан ташқари узоқ мулоҳаза юритса, яхшилик қилишга вақти қолмайди», деган эди. Яхшиликка йўл ахтарайлик, хайрли ишга фурсат топайлик!

Вилоят фирқа қўмитасининг котиби Юсуф Йўлдошевнинг куйинганича бор.

— Ноҳиялардаги кенгашларда сўз олган механизаторлар ҳосилнинг 80 фоизини машиналарда териб оламиз, деб чиқмоқдалар. Бу кўрсаткич бизни қаноатлантирмайди, — дейди Ю. Йўлдошев. — Ўтган йили ҳосилнинг 15 фоизи қўлда терилган. Шунинг 10 фоизини талабалар йиғиштирдилар. Маълумки, бу йил талабалар ва ўқувчилар йиғим-теримга жалб қилинмайди. Демак, бундан чиқди 15 фоиз ҳосилимиз ерда қолиб кетар экан-да! Юзимиз ёруғ бўлсин, режаларни бажарайлик десак, пахтанинг 95 фоизи техника ёрдамида терилиши керак. Буни фақат механизаторларгина эмас, барча меҳнаткашлар, хизмат соҳаси ходимлари онгига ҳам сингдиришимиз зарур. Уларни қўллаб-қувватлашимиз, меҳнатни рағбатлантиришнинг барча усулларидан фойдаланишимиз керак. Ваҳолонки, ҳозир кўпгина хўжалик раҳбарлари қўлда терилган пахтага 15 тийиндан ҳақ тўлаймиз, деб туришибди. Пулни қизғанишяпти. Уларга яна бир карра тушунтиришга тўғри келади: 25 тийиндан тўланадиган ҳақ хўжаликка зарар келтирмайди, аксинча суръатни оширишда, меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигида унинг фойдаси бор. Бу пул жумҳуриятга ажратилган 1 миллиард 220 миллион сўмлик қўшимча ҳақ ҳисобидан кетади. Биз шу йўсин суръатни оширмасак, эрта-индин ёмғирли кунларга қолиб кетамиз.

Ҳозирданоқ машина киролмайдиган ерлардаги, каналлар бўйларидаги, айланиш бурчаклари, хирмон жойлардаги пахталарни қўлда териб олишни ташкил этиш зарур. «Прицеп етишмайди, трактор кам, эҳтиёт қисмлар танқис», дейишмоқда. Хўжалик ва ноҳия раҳбарлари йил бошида шуни ҳисобга олишганми ёки буни энди билишяптими? Йил бошида буюртма бериш лозим эди.

Пахта заводлари ишидан қониқмаслик ҳоллари мавжуд. Хўжаликлар зарур бўлса заводларга назоратчи лаборантлар қўйсин. Умуман, пахтакор нафақат ҳосил етиштиришни, балки уни топшириш ва тайёрлаш илмига ҳам эга бўлиши лозим, деб ўйлайман. Боёвут ноҳиясидаги Пушкин номли шўро хўжалиги директори С. Абдуқодиров яқинда пахта заводлари иши бўйича атайлаб ўқиб келди. Завод ва пунктлар ишидаги камчиликларни кўрсатиб берди. Энди унинг пахтасини қабул қилишда ҳеч ким ғирромлик қилолмайди.

«Инсоният ҳаёти гугуртга ўхшайди. У билан ўта жиддий шуғулланиш—кулгили. Ножиддий муносабатда бўлиш—хавфли».

Умуман, пахта, пахтакор, йиғим-терим мавсуми ҳақидаги ўйларимизнинг бир учи ўз-ўзидан машҳур япон ёзувчиси Р. Акутагаванинг ушбу гапларига келиб уланди. Аввалига ҳайрон бўлдик: ўзбек деҳқонининг Акутагава билан неча пуллик иши бор? Эҳтимол пахтани гапирганда гугуртни тилга олма, дегувчилар ҳам топилиб қолар? Ҳарнечук, ақлимиз киргандан буён «Пахта—шон-шарафимиз, ифтихоримиз», «оқ олтинни олтин қўллар яратади» каби баланд-парвоз сўзларни эшитавергандан кейин инсон ҳаёти, жиддий ва ножиддий муносабатлар ҳақида ўйлашга бораётганлиги журъат, ёзишга иқтидор етмай қоларкан. Билъакс, яратувчиси қолиб пахта битикларимизнинг бош қаҳрамонига айланармиди?

Хўш, айни чоғда ушбу гапларни эслаш жоизми?

Токи бугунги деҳқон меҳнати янада самаралироқ, эртанги турмуши тағин ҳам фаровонроқ бўлиши учун ўтган кунги тажрибаларга суянмоқ, хато-ю нуқсонлардан оқилона хулоса чиқармоқ, уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик нафақат жоиз, шарт ҳамдир. Бугунги кунда биринчи навбатда «оқ олтин» ижодкорлари ҳақида ўйлаш, уларга қулайликлар яратиш, ғамхўрликни янада ошириш зарур. Сирдарё вилояти пахтакорлари учун ҳозирги шарт-шароит қониқарли эмас. Бу ҳақда биз оддий пахтакорлардан қатор эътирозлар эшитдик.

Ўзбек мақолларида айтилганидек, ҳозир пахтакор учун битта гап камлик, иккита гап ортиқчалик қиладиган пайт. Бизнинг вазифамиз ширин сўзимиз, намунали хизматимиз, беқиёс ғамхўрлигимиз билан пахтакорнинг кўнглига мос ана шу бир яримта сўзни топиб айтишдир.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

Қ. ШОДИЕВ,
вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири:

— Вилоятимиз маркази Гулистон шаҳрида ҳамда барча районларнинг марказий шифохоналарида пахтакорлар саломатлигини доимо назорат остига олиб, керак бўлганда зарур ва шошилинч чора-тадбирларни кўрадиган оператив штаблар ташкил этдик. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими қошидаги бош штаб эса жойлардаги ана шу штаблар билан кеча-ю кундуз алоқада бўлиб туради. Бу штабга вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Абдумалик Норқулов бевосита раҳбарлик қилмоқда. Штаб аъзолари орасида вилоят соғлиқни сақлаш бўлими, санитария-эпидемиология станцияси раҳбарлари, етакчи мутахассислар, малакали шифокорлар бор.

Бундан ташқари вилоят шифохонаси Янгиер тиббий-санитария бўлимида малакали шифокорлардан иборат иккита махсус бригада тузилди. Барча район касалхоналарида эса кўчма амбулаториялар ташкил этдик.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
вилоят ижроия комитети маданият бошқармаси бошлиғи:

— Йиғим-терим мавсумига барча қатори маданият ходимлари ҳам катта тайёргарлик кўрдилар. Мавсум арафасида дала меҳнаткашлари хизматида бўлишга бел боғлаган барча автоклублар кўрик-конкурси ўтказилди. Бу муҳим кампанияга пухта тайёргарлик кўрган Оқолтин ва Боёвут ноҳияларининг автоклублари коллективлари кўрик-конкурсда ғолиб бўлдилар.

Пахта терим мавсумида қатнашадиган шаҳар ва районларнинг агитколлективлари аниқланди. Уларнинг иш планлари тасдиқланди. Бу йилги мавсумда вилоятимиз бўйича 13 та агитколлектив иш олиб бормоқда. Улар 114 нафар иштирокчини ўз атрофига бирлаштирган. Агитколлективлар сафида тажрибали лекторлар ва агитаторлар, 13 та кўчма кутубхона, бадиий ҳаваскорлик коллективлари, фольклор ва оилавий ансамбллар бор.

Ғ. ҲАЛИМОВ,
вилоят матлубот жамияти раиси вазифасини бажарувчи:

— Барча қатори биз — савдо ходимлари учун ҳам масъулиятли дамлар бошланди. Йиғим-терим пайтида дала меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатиш анъанавий ишимиз, шарафли бурчимиздир. Шунинг учун ҳам бу мавсумга иложи борича пухта тайёргарлик кўришга ҳаракат қилдик.

Йиғим-терим бошланиши арафасида барча районларда механизаторлар кенгашлари бўлиб ўтди. Жойлардаги агросаноат, хўжалик органлари билан ҳамкорликда ҳар бир механизаторга совғалар тайёрладик. Механизаторлар хонадонига ун, гуруч, бошқа керакли маҳсулотлар етказиб берилди. Вилоят матлубот жамияти йиғим-терим пайтида бетўхтов ишлаб турадиган 100 та сотувчисиз дўконча, 80 та кўчма савдо магазини ташкил этди.

Ф. ИОСИФИДИ,
вилоят ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

Бошқармада пахтакорларга комплекс маиший хизмат кўрсатиш бўйича махсус тадбир ишлаб чиқдик. Шаҳар ва районларнинг маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари аҳолининг истак ва хохишларини ҳисобга олган ҳолда ўз тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Вилоятимиз пахтакорлари, барча дала меҳнаткашларига бевосита уларнинг иш жойларида маиший хизмат кўрсатишга сафарбар этилган 12 та бригада тузилди. Ҳар қайси бригада ўз транспортига эга. Улар сафида беш-олти нафар турли касб ва ҳунар эгалари бор. Буларнинг ҳар бири ўз ихтисослиги бўйича меҳнаткашлар хизматида бўлади.

Саҳифани «Совет Ўзбекистони» мухбирлари Абдужалил УМАРОВ ва Эсиргап БОЛИЕВ тайёрладилар.

Қуролдошлар, бормисиз, омонмисиз?

Ҳурматли редакция!

Яқинда Белгород шаҳри немис фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 47 йиллиги катта байрам қилинди. Ана шу тантаналарга 72-шонли ўқчи дивизия таркибида жанг қилган кишилар иттифоқимизнинг турли бурчакларидан таклиф этилди. Улар орасида Белгород тупроғини озод қилишда қон тўккан, ўзбек халқининг мард ўғлонларидан бири, тошкентлик Маҳмуд Умидов ҳам бор.

Свердловск райони аҳолиси бу жангчининг жасоратларини миннатдорлик туйғулари билан эслайди. Мардларча ҳалок бўлганларнинг хотираларини эъзозлаб, қабрлари кўз қорачиғидай авайлаб келинмоқда.

Юртимиз халоскорлари ўзлари жанг қилган жойларни кўрдилар, биродарлик қабристонларида ором топган қуролдош дўстларини хотирлаб, тупроғига гулчамбарлар қўйдилар. Ўша суронли йилларга оид қимматли хотираларни яна бир бор эслашдилар.

Биз ана шу учрашувдан фотосуратлар юборяпмиз. Уларни рўзномангиз саҳифасида эълон қилишингизни сўраймиз.

Т. ЕРОХИНА,
КПСС Свердлов район қўмитасининг котиби.

Маҳмуд ота набиралари Барно ва Авазбек билан Белгород шаҳрида.

Тошкентлик мард йигит

Хўш, райком котибаси эҳтиром билан тилга олган тошкентлик мард ўғлон ким бўлди? Сўраб-суриштирайлик десак хатда манзилгоҳи ёзилмаган. Кимдан, қайси ташкилотдан излаштирсак экан?...

Хатни ўқиб ҳайрон бўлиб турган ҳам эдик эшикдан ёши етмишларни қоралаб қолган, ҳасса таянса ҳам юришлари дадил, гап-сўзлари ўктам, кийимлари ўзига ярашган, нуроний оқсоқол кириб келди.

— Ҳормангилар, ўғилларим! Мен Маҳмуд Умидов бўламан.

Отанинг қўлларини олиб, тўрдаги ўриндиққа таклиф этдик.

— Газетангизда чиққани келдим. Мен ҳақимдаям ёзинглар, одамлар бир ўқишсин.

Отанинг бегидир талаблари кўнглимизни овлади.

— Газетамиз сиздан айлансин, сизнк ёзмасак кимни ёзамиз. Ўзимиз ҳам қайдан топсак экан, деб турувдик. Худонинг ўзи етказди сизни, — дедик қўлимиздаги хатни кўрсатиб.

Маҳмуд Умидов асли 1924 йили Марғилонда туғилган экан. Урушнинг иккинчи йили акаси Махсутжондан қора хат келгач маҳалласига сиғмай қолди. Акасининг қотиллари тушларига кира бошлади. Онасининг кўз ёшлари юрагини эзарди. Маҳалладаги қайси қизни кўрмасин «Акангиз бегона юртларда жанг қилиб ўлиб ётса-ю, бу ерда юргани ор қилмайсизми, паҳлавон йигит» дейишаётгандай туюлаверди.

Акасининг хуними, эл-юрт олдидаги истиҳолами, Маҳмуджоннинг ғурурини жунбушга келтирди. Онаизорнинг дод-фарёдига қарамай, сафар халтасини елкага илди...

Қизил вагонлар уни Украинанинг Степной фронтига келтириб ташлади. Энди оддий автоматчи Маҳмуджон ҳаётида қон ва пороҳ ҳиди анқиган, беомон жанг-жадалли кунлар бошланди.

— Эҳ-ҳе болаларим-ей, уруш деган сўзнинг мазмунини ҳали ҳеч ким тўлиқ айтолган эмас. Энг юзи қора сўз — бу уруш сўзидир.

Паҳлавон келбатли, сўзлари қатъий Маҳмуд отанинг жуссаси бирдан кичрайиб қолгандай, овозидаги салобат ҳам сўнгандай туюлди шу дамда.

— Бу уруш не-не йигитларни ўт ўргандай қириб кетмади-я...

Маҳмуд ота гапининг давомини айтолмай қолди. У Винница шаҳри тайёрагоҳини озод қилишда майиб бўлган бармоқлари билан Ғарбий Украинанинг Тернопол вилоятидаги қўл жангида немис милтиғининг қўндоғидан ёрилган пешонасини уқалаб, намланган кўзларини биздан яширди. Юрагининг аллақаеридан қалқиган ёнғоқдек хўрсиниқ ҳиқилдоғига келиб қотиб қолди шекилли, анчагача орамизга жимлик чўкди.

— 1985-ми, 1986-йилимидийкин ҳозир аниқ ёдимда йўқ, жанг қилган жойларимизни ўз кўзларим билан бир кўриш учун йўлга чиқдим. Белгород шаҳрида меҳмонхона олдида турсам кимдир:

— Михаил, Миша ти, ти живой!?... деб қичқириб юборди.

Ротада мени Михаил деб чақиришарди. Қарасам рота командиримиз Алексей Погорелов. Қучоқлашиб кетдик. Йиғлашдик, кулишдик. Бир тишлам қора бўлкани бўлиб ейдиган қозоқ йигити Сафарбой, икки ҳўплам сувининг ярмини шеригига илиниб турувчи қирғиз Жўлдош, бештагина ўқининг учтасини менга бериб жангга кирган украин Серёжаларни эсладик. Улар тирикимикин? Бола-чақали бўлиб кетганмикин? Тирик бўлса қаерларда экан улар?

— Алексей Погорелов ҳозир истеъфодаги полковник, — дейди сўзини давом эттириб Маҳмуд ота. — Область ветеранлар уюшмасининг раиси. Қўярда қўймай уйига олиб кетди. Шу-шу оилавий борди-келдимиз бошланди. Яқинда уларникига набираларим Барно ва Авазбек билан бордик. Унинг набиралари билан ўртоқ бўлиб келишди.

Маҳмуд ота 1947 йилда кўксида учинчи даражали Шуҳрат ордени ҳамда «Жасорати учун» медали билан юртига қайтди ва Фарғона область комсомол комитети йўлланмаси билан Тошкент шаҳрида ички ишлар органларида хизмат қилиш учун юборилди. 1947 йилдан 1958 йилгача жиноят қидирув, БХССда ўғри ва қаллоблар билан курашди. Шундайлар билан бўлган бир тўқнашувда катта лейтенант Маҳмуд Умидов белидан майиб бўлиб хизматдан кетишга, пенсияга чиқишга мажбур бўлди.

Маҳмуд ота айни кунда ўғил-қизлари, невара-чеваралари даврасида қарилик нашидасини сураётир. Оғир ва машаққатли ўтган бўлса ҳам ҳаётидан мамнун. «Биринчи даражали Ватан уруши ордени» ҳамда «Германия устидан ғалаба медали» нишондори Маҳмуд ота Умидовга биз ҳам мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаб қоламиз.

Маҳмуд ота биз билан хайрлашиб чиқиб кетар экан шундай дедилар:

— Ўғилларим, бу чол атайин газетага чиқиш учун келибди, деб ўйламанглар. Одам кексайгач ёшлигини, бирга ўсган дўстларини излаб қолар экан. Ёшлигимнинг беш йили олис Украинанинг жангоҳларида қолиб кетган. Эҳтимол окопларда эмаклашган, ертўлаларда ҳасратлашган қуролдошларимиз Ўзбекистонда яна бордир. Бор бўлса овоз беришсин! Манзилгоҳимиз. Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Марс кўчаси, 52-уй. Умидов Маҳмуд.

А. БОЙҚУЗИЕВ.

МАЛАЙЗИЯ БИЛАН УЧРАШУВ

● Тошкентга савдо-саноат кўргазмаси экспонатлари етиб келди. Бу кўргазма Ўзбекистонда Малайзия ҳафталиги доирасида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилади. Кўргазмадан тушган маблағдан хайрия мақсадларида фойдаланилади.

Ўтган йили Малайзияда Ўзбекистон кунлари ўтди. Жумҳуриятнинг Ўзбекистон ССР ташқи ишлар вазири С. О. Азимов бошчилигидаги расмий делегацияси у ерда бўлди. Расмий кишилар билан учрашувларда, жумладан, жумҳуриятимизда Малайзия ҳафталигини ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича, ҳафталик 22 сентябрда бошланади. Унда кенг миқёсли тадбирлар белгиланган. Тошкент ва Самарқанд аҳли Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган мазкур мамлакат санъати билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳафталик давомида Малайзия савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашувлар бўлади. Жумҳуриятнинг савдо-саноат ва ўзга тармоқлари раҳбарларида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, шу жумладан, қўшма корхоналар барпо этиш имконияти пайдо бўлади. Малайзияликлар Ўзбекистон билан савдосотиқ қилиш муддаоларини кўп марта айтганлар.

Қуйида ушбу мамлакатга оид айрим маълумотларни келтирамиз. Малайзия 336,7 минг квадрат километр майдонни эгаллайди. Унинг ҳудудида 17 миллион киши яшайди. Пойтахти — Куала-лумпур. Аҳолисининг сони 1,3 миллион киши. Малайзия тили— давлат тили ҳисобланади, хитой, тамил, инглиз тиллари ҳам расмий тил сифатида тан олинади. Расмий дин— ислом (суннийлар). Бу давлат 13 штат ва икки федерал ҳудуддан иборат. Олий бошлиқ (конституцион монарх) беш йил муддатга сайланади.

Малайзия — капиталистик йўлдан жадал ривожланаётган аграр-саноат мамлакатдир. Қазилма, ишлов бериш ва металлургия саноати индустриянинг етакчи тармоқларидир. Қазилма саноатининг негизини қалай ташкил этади, дунёда ишлаб чиқарилаётган қалайнинг 41 фоизи Малайзия ҳиссасига тўғри келади. Нефть запаслари қидириб топилган. Саноатнинг электротехника ва радиотехника, химия, автомобилларни йиғиш каби замонавий тармоқлари ҳам ривожланмоқда. Бу ерда ҳорижий фирмаларнинг ёрдамида енгил автомобилларнинг 49 модели, юк машиналарининг 85 модели ва мототехниканинг 16 модели йиғилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида пальма мойи, какао, гаримдори етиштириш устун туради. Мамлакат табиий каучук тайёрлашда дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳукумат давлат компанияларига таяниб, иқтисодиётга фаол аралашади.

Ўзбекистонда Малайзия ҳафталигининг ўтказилиши ушбу ўзига хос мамлакат билан яқиндан танишиш, иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни кенг ривожлантириш имконини беради.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

Машраб авлодлар ардоғида

Наманган вилоятида машҳур шоир Машраб таваллудининг 350 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди. Узоқ йиллар мобайнида номи унутилган шоир энди ўз халқи ҳузурига қайтиб келмоқда.

Байрамда шоирлар, носирлар, адабиётчи олимлар, санъаткорлар қатнашадилар. Дарсхоналар, клублар, кутубхоналар ва дала шийпонларида Машраб сўзи билан айтиладиган қўшиқлар янграмоқда, унинг ижодиёти ҳақида гапирилмоқда.

Бобораҳим Машраб ўз даврининг ажойиб кишиларидан бири бўлганди. Лекин узоқ йиллар мобайнида унинг динга муносабати нотўғри талқин қилинди, бу эса Машраб тақдирига ёмон таъсир кўрсатди. Ўз халқини чексиз севган ва бойлар ҳокимиятини лаънатлаган, доно ва истеъдодли, исёнкор ва дайди шоир ўз бошидан кўп машаққатларни кечирди. Шунинг учун ҳам бугунги авлод уни қанча ёдга олса шунча арзийди. Шоир тўйи муносабати билан ўтказилаётган тантаналарнинг мақсади ҳам шу. Санага бағишланиб совға-салом буюмлари, чиройли календарлар, шоир ижодидан ҳикоя қилувчи ранг-баранг безаклар билан безатилган китобчалар чиқарилди. А. Навоий номли вилоят мусиқали драма ва комедия театри саҳнасида Азиз Турсуннинг «Бобораҳим Машраб» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакль қўйилмоқда.

(ЎзТАГ).

СССР Давлат хавфсизлиги комитетида

16 сентябрдан 17 сентябрга ўтар кечаси Тбилисида рухсат этилмаган митингдан сўнг жумбушга келган оломон Грузия Давлат хавфсизлиги комитети биносига ҳужум қилди. 100 га яқин киши бинога бостириб кириб, металл таёқлар, темир қувурларнинг бўлаклари, темир парчалари билан ойналарни, мебелларни, телефон аппаратларини синдирдилар. Ҳужум қилувчиларнинг бир қисми тергов бўлими хонасига кириб, бир қанча ҳужжатларни, видеоаппаратларни, ходимларнинг шахсий буюмларини ўғирлаб кетди.

Комитет ходимларининг бинодаги кичик гуруҳи инсонпарварлик мулоҳазалари билан босқинчиларга қарши қуролни ишлатмади.

Ҳужум қилувчилар Грузия Давлат хавфсизлиги комитети ўзини ўзи тарқатиб юборсин, Адиген район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосарини ўлдиришда шубҳа қилиб ушланган бир киши озод қилинсин, деган талабни қўйдилар. Улар акс ҳолда янги бедодликлар, жумладан, ходимлардан жисмоний ўч олиш билан чўчитдилар. Бироз вақт ўтгандан сўнг босқинчилар бинодан чиқиб кетишди. Грузия Давлат хавфсизлиги комитети теварагида кескин вазият сақланиб турибди.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети ҳайъати Грузия Давлат хавфсизлиги комитетига нисбатан ваҳшиёна ҳаракатлардан ғоят ғазабланганлигини билдиради ва қуйидагиларни айтишни зарур, деб ҳисоблайди.

Грузия Давлат хавфсизлиги комитети биносига ҳужум — давлат хавфсизлиги органларига қарши ашаддий кампаниянинг экстремистик кўринишидир. Бу кампаниянинг, Давлат хавфсизлиги комитетини қисқартириш, уни парчалаб юбориш ва ҳатто тугатиш мақсади Ғарбдаги айрим махсус хизмат маҳкамалари олиб бораётган тарғиботга объектив равишда қўшилиб кетмоқда, ғайриқонуний фаолиятни амалга оширишга чамаси Давлат хавфсизлиги комитети халақит бераётган кучлар ана шу мақсадни афкор оммага зўр бериб тиқиштирмоқда. Давлат хавфсизлиги комитети уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошлаб, бу ишда дастлабки сезиларли натижаларга эришгандан кейин унга хуружлар кучайганлиги ҳам тасодифий эмас.

Давлат хавфсизлиги комитети ўзини танқиддан ҳоли деб билмайди, демократик жамиятда танқид давлат тузилмалари ишини такомиллаштиришга кўмаклашади, деб ҳисоблайди. Бироқ демократиялаш ва ошкоралик ниқоби остида СССР Давлат хавфсизлиги комитетини обрўсизлантиришга уринишлар, энди эса ҳаракатлар умуман мамлакат хавфсизлиги системасига зарар етказади.

Жамоатчиликнинг айрим қисми учун хотиржамлик ва тотувлик характерли бўлишига қарамай, шуни айтиш керакки, объектив воқелик чет эллардаги махсус хизмат маҳкамаларининг мамлакатимизга қарши разведка ишлари кучайганлигидан далолат бермоқда. Совет Иттифоқи ўзининг жаҳондаги алоқаларини кенгайтирган сайин разведкалар бизнинг сиёсий ва иқтисодий сирларимизни билиш учун янги йўлларни қидирмоқда. Мамлакатда уюшган жиноятчилик кучайиб бормоқда. Иқтисодий соҳада оғир жиноятлар содир этилмоқда. Бинобарин, ўз-ўзидан хулоса келиб чиқади: бундай шароитда Давлат хавфсизлиги комитетига ҳужум қилаётганлар мамлакатда вазиятни барқарор этиш ишига хизмат қилаётганлари йўқ.

Давлат хавфсизлиги органларига қарши кампанияни авж олдириш учун 30-, 40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларида Ички ишлар халқ комиссарлиги — Давлат хавфсизлиги министрлиги қонунийликни бузганлиги учун жавобгарликни беихтиёр ҳозирги Давлат хавфсизлиги комитети зиммасига юклашдан фойдаланилмоқда. Давлат хавфсизлиги органлари фаолиятидаги фожиали ўтмишга узил-кесил хотима берилган, унга қайтиш мумкин эмас. Бунинг кафолатларидан бири Сталин қатағони йилларида ҳалок бўлган йигирма мингдан ортиқ чекистнинг ҳаётидир.

Мамлакатдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида бўяб кўрсатилмаган, чинакам ахборотга эга бўлган чекистлар жамиятимизда қатъий ўзгаришлар қилиш зарурлигини кўпгина бошқа одамлардан олдинроқ тушуниб етганликларини ҳамма ҳам билавермайди. Айни шу сабабли улар қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик ғояларини самимий қабул қилдилар, Қайта қуриш биз учун барча йўналишларда, энг аввало разведкада, контрразведкада, чегараларни қўриқлашда, уюшган жиноятчиликка, контрабандага, қорадорифурушликка ва терроризмга қарши курашда иш самарадорлигини оширишдир. Бу совет конституцион тузумининг ишончли ҳимоясидир, совет фуқароси ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Бу комитет барча бўлинмалари фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлашдир. Ҳуқуқий жамиятда Давлат хавфсизлиги комитети органлари тўғрисида ошкора қонун бўлиши керак. Биз бундай қонун тезроқ қабул қилиниши учун ҳаракат қиляпмиз.

Совет чекистлари шунга аминдирларки, ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этишда улар ҳамиша халқ билан бирга бўладилар, халқнинг фаол мададига таянадилар, бундай мададсиз давлат хавфсизлиги комитетининг фаолияти муваффақиятли бўлмайди.

СОҒЛОМ ЎСИНГ, БОЛАЖОНЛАР!

Тошкент областининг Оржоникидзе районида хушхабар тарқалди. У ерда истиқомат қилувчи Юлия Плотницкая ва Наримон Аджиумеров оиласида бирданига уч нафар чақалоқ дунёга келди. Уларни Маша, Даша ва Менуза деб номладилар.

Жажжи меҳмонлар жуда ҳам нозик туғилди. Маша ва Даша 1600 грамм, кичкинаси Менуза эса 1400 грамм оғирликда эди. Тошкентдаги 5-болалар туғруқхонасидан уларни зудлик билан жумҳурият Соғлиқни сақлаш министрлигининг педиатрия илмий текшириш институтига олиб келдилар. Қизчалар институт бўлимига жуда нимжон ҳолда келтирилди. Шифокорлар болажонларни бир ойдан кўпроқ сунъий равишда овқатлантирдилар.

Врачлар ва ҳамшираларнинг доимий диққат эътиборида турган чақалоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

СУРАТДА: даволовчи врач Мунаввар Жўраева ва ҳамшира Ҳалима Сайидазимова Маша, Даша ва Менуза билан бирга.

Р. ШАГАЕВ сурати (ЎзТАГ).

ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси ўз ишини тубдан қайта қуришга ҳозирлик кўрмоқда. Уюшманинг бош мақсади обрў-эътибор маъносида сиёсий таъсир ўтказиш, иқтисодий ҳаётда мустақил бўлишдир. У оммавий-ахборот васиталари ходимларининг касб маҳоратларини ошириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқа журналистик ташкилотлар билан ижодий алоқаларни йўлга қўйишга даъват этилгандир. Уюшма бошқаруви ҳайъатининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида шу йил ноябрь ойида жумҳурият ташкилоти бошқаруви пленумини чақиришга қарор қилинди. Ўзбекистон журналистларининг съездини чақириш, уюшма устави, иттифоқ журналистлар уюшмасига федератив ва шартнома асосида кириш ҳақидаги масалалар пленум кун тартибидан ўрин олган.

Шунингдек, уюшманинг раҳбар органлари, унинг асосий фаолият йўналишлари, уюшманинг ўзини қайта тузиб чиқиш масалаларини муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича комиссия тузилди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

«КВАНТ»

ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Олий ўқув юртларига киришга тайёрловчи пуллик

СИРТҚИ ТАЙЁРЛОВ ҚУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёргарлик қуйидаги фанлар бўйича олиб борилади: она тили ва адабиёти, тарих, жамиятшунослик, чет тиллар, математика, физика, химия, биология, география.

Ўқувчиларга ўзлари танлаган ихтисослар бўйича Олий ўқув юртларига кириш программалари, ёзма ишлар, ўқув қўлланмалари ва ўтган йиллардаги кириш имтиҳонларида тушган мисол ҳамда саволлар юборилади.

Программаларни, қўлланмаларни, ёзма ишларни тайёрлашда ва текширишда Тошкент Олий ўқув юртларининг профессор ва доцентлари иштирок этадилар.

Бирлашма ТошДУ биносида курс ўқувчилари учун 15 июндан 15 июлгача бепул консультация ташкил қилади. ЎҚИШ ҲАҚИ — 60 СЎМ. ПОЧТА ОРҚАЛИ (почтовий перевод) **қуйидаги манзилга юборилсин:** Ҳисоб-счёт номери 001609309, ЖСБ, Октябрь ноҳия бўлимида, МФО 734138, НПО «Квант».

Курсларга кирувчиларнинг аниқ уй манзили, қайси фанлардан тайёрланмоқчи бўлганлиги (кўпи билан 4 та фандан) ҳақидаги ариза (бунда қайси ўқув юртининг қайси факультетига кириш мўлжалланганлиги ва мактабда қайси чет тилини ўрганганлиги ёзилсин) ва пул тўланганлиги квитанцияси қуйидаги манзилга юборилсин: 700106, Тошкент—106, 1—абонент қутиси, «Квант».

Курсларга қабул қилинганларга, агар бирор сабаб билан машғулотларни тўхтатмоқчи бўлсалар, ўқиш учун тўланган пуллари қайтарилмайди.

Курсларни муваффақиятли тамомлаганларга бу ҳақда справка берилади.

Мурожаат учун телефон: 46-47-89.

ҲАВО ҲУЛЛАРИ МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ МАЪМУРИЯТИ.
«ТАШКЕНТГЕОЛОГИЯ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ЎҚУВ—КУРС КОМБИНАТИ

барча ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарларига ўқув—курс комбинати қошида қуйида санаб ўтилган ихтисослар бўйича ишчи кадрларни қайта тайёрлаш (тайёрлаш) ва муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун доимий курслар ишлаб турганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

— машинистлар: а) бурғулаш қурилмалари; б) автомобиль кранлари; в) ички ёниш двигателлари; г) кўчма компрессор; д) кўчма электр станциялар;
— электр пайвандчилар;
— портлатувчилар (очиқ ва ер ости кон ишларида);
— газ-баллонли ёқилғида ишлайдиган автомобиль ҳайдовчилари;
— газ-баллонли автомобилларга хизмат кўрсатувчи чилангарлар;
— юк кўтариш механизмларидан хавф-хатарсиз фойдаланиш, уларнинг соз ҳолда сақланиши, юклар ва босим остида ишлайдиган сиғимларнинг жойдан-жойга кўчирилиши учун масъул шахслар;
— портлаш ишларини олиб бориш ҳуқуқисиз ягона портлатувчи дафтарчасини олиш учун раҳбарлар ва муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш;
— касаба уюшмаси комитетлари сафидан меҳнат муҳандиси бўйича жамоатчи-инспекторлар;
— санитария инструкторлари;
— токарлар;
— стропалчилар (кранчи ёрдамчилари) — 2 (бурғулаш қурилмалари, ички ёниш двигателлари, дизель-эксплуатация станциялари, компрессор станциялари, автомобиль кранларининг машинистлари, электр газ пайвандчилар гуруҳларидаги асосий курсни битиргандан кейин ўқитиладиган турдош касб).

Ўқув курс комбинати қошида ётоқхона бўлади.

Курсларда ўқиш муддати — 0,5—1 ойдан 3—3,5 ойгача.

Ўқув—курс комбинатида ўқиш ҳақи — ойига 102 сўм. Ётоқхонада яшаш ҳақи бунга кирмайди.

Зарур ҳолларда ўқув курс комбинати маълум миқдордаги ўқувчиларни талабнома асосида санаб ўтилган ишчи касблари бўйича ўқишга қабул қилишга тайёр.

Ўқув-курс комбинатига кўрсатилган курсда ихтисослар бўйича маъруза ўқиш учун соатбой-педагоглар керак. Бир соат маъруза ўқиганлик учун педагогика фаолияти ва илмий унвони билан боғлиқ ҳолда 2 сўмдан 4 сўмгача ҳақ тўланади.

Қуйидаги манзилга мурожат қилинсин: 700014, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 21а-уй, «Ташкентгеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўқув-курс комбинати.

Телефонлар: 55-77-53, 55-77-48 («Бахт уйи» ҳовли сида).

●

ВАСХНИЛ
Ўрта Осиё бўлимининг
САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

хўжалик шартномаси мавзуи бўйича катта илмий ходим (фан номзоди) **бўш лавозимига**

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 23 СЕНТЯБРГАЧА.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, «Кўксарой» алоқа бўлими (487, 474 автобусларнинг «Институт» бекати).

●

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
«болалар жарроҳлиги» ихтисоси бўйича

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар — 5 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй, аспирантура бўлими. Телефон: 62-54-30.

●

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IX да **Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома,** 22/IX да **А. Қодирийнинг Ўтган кунлари,** 23/IX да **Келинлар қўзғолони.**

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси идораси, СССР Мусиқа фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг мухбир-аъзоси Р. А. Аҳмедовга ва мусиқашунос К. Аҳмедова (Алимбоева)га уларнинг ўғли

Ҳасан АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари давлат инспекцияси инспектори А. Абдуллаевга отаси

Карим АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият офтальмологлар жамияти идораси, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник офтальмология шифохонаси ва Тошкент Шифокорлар малакасини ошириш институтининг кўз касалликлари кафедраси жамоалари Самарқанд вилоят кўз касалликлари шифохонасининг бош шифокори Б. М. Саидовга отаси

Муҳаммади САИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телевидениеси маъмурияти режиссёр ассистенти А. Неъматжоновга онаси

Зайнаб НЕЪМАТЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.